O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY
INV.№

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2002 йил, 26 октябрь, шанба № 129 (1705). Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Суббота, 26 октября, 2002 г. № 129 (1705). В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, ноҳукумат жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси барча, шу жумладан хорижий ташкилотлар, уюшмалар, компания ва фирмаларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг иштирок этишлари учун очиқ бўлган халқаро ноҳукумат жамоат ташкилоти ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга кўмаклашиш;

болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан халос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанига меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

биринчи навбатда қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлаш;

болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишини таъминлашни назарда тутган ҳолда тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

ҳудуд аҳолисининг зичлигини, спорт машғулотига жалб этиладиган болалар сони, жинси ва ёшини эътиборга оладиган болалар спорт майдончалари ва комплексларининг илмий асосланган намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

болаларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини, жинси ва ёшига қараб болаларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва марказларидаги машғулотларга танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларни татбиқ қилишга кўмаклашиш;

болаларни жисмоний тарбиялашнинг илмий асосланган замонавий тизимлари, шакл ва услубларини жорий этиш, болалар спорти бўйича устозлар ва педагог кадрларни мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда таълим марказларида ва чет элларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида республика Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, клуб ва ташкилотлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш;

болалар оммавий спортини ривожлантириш, истиқомат жойларида техникавий жиҳозланган, замонавий болалар спорт комплексларини барпо этиш аҳамиятини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВЕНГРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Венгрия Республикаси Президенти Ференц Мадл таклифига биноан 2002 йилнинг 27—29 октябрь кунлари расмий ташриф билан Венгрияда бўлади.

Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва ривожлантириш истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш, шунингдек, қатор муҳим битимларни имзолаш режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МОСКВАДА СОДИР ЭТИЛГАН ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

БАЁНОТИ

Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида тинч аҳоли орасидан бир неча юз нафар кишининг гаровда ушлаб турилгани тўғрисидаги хабар Ўзбекистонда чуқур ташвиш ва хавотир билан қабул қилинди.

Ўзбекистон фуқаролар ҳаёти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ҳар қандай террорчилик ҳаракатини кескин қоралайди. Террорчилик амаллари ва қўрқитиш йўли билан муайян мақсадларга эришиш ёки вужудга келган муаммоларни ҳал этишга қаратилган уринишлар мутлақо номақбулдир.

Ўзбекистон вужудга келган танглик соғлом фикр асосида бартараф этилиши ва гаровда сақланаётган инсонлар ҳаёти сақлаб қолинишига умид билдиради.

Москвада рўй бераётган воқеалар нафақат МДҲ мамлакатларидаги, Россиядаги, балки бутун дунёдаги одамларни ташвишга солмоқда. Москва марказидаги Маданият уйида бир гуруҳ террорчилар юзлаб бегуноҳ одамларни гаровда ушлаб турибди. Москвадаги воқеалар — халқаро террорчилик фаоллашганининг яна бир кўринишидир. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида амалга оширилаётган портлашлар, одамларни гаровга олишлар, қотилликлар шундан далолат бермоқда.

Улар қўпорувчи, экстремистик кучларнинг одамлар орасида қўрқув ва ваҳимани кучайтириш, муайян мамлакатлар ва бутун минтақаларда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, узоқни кўзлаган жиноий режаларига эришиш ва бу йўлда тинч аҳоли орасида ҳар қандай қурбонлардан қайтмасликка уринишлари билан узвий боғлиқ.

24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида йиғилиш бўлиб ўтди. Унга барча ҳарбийлашган тузилмалар, шунингдек, аҳоли тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлиги учун бевосита масъул вазирликлар ва идоралар раҳбарлари таклиф этилди. Йиғилишда мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича қабул қилинган ҳукумат ҳужжатлари ва Президент қарорларининг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда барқарор вазият ва одамлар тинчлигини бузишга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда террорчилик ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ҳарбийлашган тузилмаларнинг профилактика ишларини кучайтириши лозим бўлган аниқ участкалари белгиланди.

Йиғилишда аҳолига ҳушёрликни ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда фаол фуқаролик мавқеини эгаллаш, «Ўз уйингни ўзинг асра!» шиорини ҳаётга татбиқ этишнинг зарурлигини тушунтириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан бу масалаларни ҳал этишда ички ишлар идораларининг профилактика бўйича нозирлари ва маҳалла қўмиталарининг масъулиятини ошириш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

(ЎзА).

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Москвада террорнинг янги хуружи

Москва шаҳри аҳли 24 октябрь тонгини саросимада кутиб олди. Чоршанба оқшомида Шарикоподшипник заводи маданият саройида кечки томошага йиғилган санъат ихлосмандлари қуролланган гуруҳ томонидан гаровга олинди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларда айтилишича, юзларига ниқоб кийган террорчилар томоша бошланганда бинога кириб келган ва ҳавога ўқ узиб, томошабинлар гаровга олинганини эълон қилган. Қочиб чиқишга улгурган гувоҳларнинг айтишича, босқинчиларга чеченистонлик Мовсар Бараев раҳбарлик қилмоқда.

Кўп ўтмай маданият саройи атрофига хавфсизлик хизмати гуруҳлари, ўт ўчирувчилар ҳамда шошилинч тиббий ёрдам машиналари етиб келди.

Россия президенти Владимир Путин Кремлда Федерал хавфсизлик хизмати директори Н. Патрушев ва ички ишлар вазири Б. Грызлов ва бошқа мутасадди раҳбарлар иштирокида бир неча марта мажлис ўтказди. Гаровга олинганларни қутқариш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Россия президенти хорижга мўлжалланган сафарини қолдирди.

Ҳозирча бинода қанча одам гаровга олингани аниқ эмас. Шуниси маълумки, террорчилар қирққа яқин кишини озод қилган, яна 150 киши бинодан яширинча қочиб чиққан. Хабарларга қараганда, бинода беш юздан зиёдроқ одам қолган бўлиши мумкин. Томошага 711 чипта сотилган экан. Маълум қилинишича, улар орасида хорижлик фуқаролар ҳам бўлган.

Айни пайтда ушбу воқеани жаҳон аҳли қаттиқ ташвиш билан кузатиб турибди.

С. РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ҳаракатдан баракат топмоқда

«Ҳаракатда — баракат», деган нақлни капитан Холмурод Мўминов доимо ёдида тутишига камида икки муҳим сабаб бор. Биринчиси — у автомобилчилар взводи командири, демак қисмдаги техника қанчалик кўпроқ ҳаракатда бўлса, жамоа етакчисининг обрў-эътибори ҳам шунчалик юқори бўлади. Иккинчиси — Холмуродга қисм жисмоний тайёргарлиги бошлиғи вазифаси қўшимча юклатилгани. Бу — офицер бутун шахсий таркибни ҳаракатлантириб, машқлар орқали уларнинг соғлигини, жисмоний баркамоллигини таъминлашга жавобгар дегани.

Ватанимиз жанубида жойлашган Термиз гарнизонида хизмат қилиш ҳарбий хизматчи учун ўзига хос синов — ёзнинг жазирама иссиғига нафақат одам, жонсиз темир ҳам зўрға чидайди. Шунинг учун капитан Х. Мўминов взводига келган ёш аскарларни техника сир-асрорларига ўргатишдан аввал Сурхон воҳаси иқлимига тезроқ мослашиши ва жисмонан куч-қувватга тўлишига биринчи навбатда эътибор қаратади.

«Соғлом танда — соғлом руҳ», деганидек, хизмат қийинчиликларига мослашиш жараёнидан муваффақиятли ўтган аскарлар техникани бошқаришда ҳам ишончли ҳаракат қилиб, ютуқларга эришади. Бу ҳақиқатни капитан Х. Мўминов олти йиллик офицерлик тажрибасида бир неча бор синовдан ўтказган. Қудратли жанговар техниканинг созлигини таъминлашда унга Тошкент автомобиль йўллари институтида олган билимлари ёрдам бермоқда.

Қисмда бўлганимизда, бу ерда бир йўла икки муҳим жараён кечаётганди. Биринчиси — ўқув йилининг якуний синов машғулотлари. Иккинчиси эса техникани қишки мавсумга тайёрлаш.

— Иккаласида ҳам капитан Мўминов жамоаси яхши натижаларга эришмоқда, — дейди биз билан суҳбатда қисм қўмондонлиги тарбиявий бўлими катта офицери капитан Иброҳим Муҳамедов. — Шунинг ўзи бу взвод командирининг қанчалик юқори тайёргарликка эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Бу фикрнинг тўғрилигига офицерлар ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар уч километрлик масофага кросс югурганини кузатганимизда янада амин бўлдик. Капитан Х. Мўминов марраға биринчи бўлиб етиб келиб, 12 минут 30 секундлик натижани кўрсатди. Турникда тортилишда Холмурод яна биринчи — машқни 20 марта бажарди. Ундан ҳам кўпроқ тортилиши мумкин эди, аммо текширувчи офицер капитан Владимир Юсупов «Бўлди, беш!», деб тўхташини сўради. Юз метрга ҳам капитан Х. Мўминов ҳаммадан тез югурди.

Шогирдлари сардорининг ютуқларидан руҳланиб, пешқадамликни давом эттирдилар. Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманига, уйига қайтишга ҳозирланган ҳайдовчи оддий аскар Муҳаммаджон Юзбоев кроссда биринчилардан бўлиб, ўзидан яхши хотира қолдириш ниятида эканлигини кўрсатди. Секция командири кичик сержант Ихтиёр Юсуповга жонажон Фарғонасига қайтишга ҳали ярим йил бор, лекин ҳозирданоқ бир нарса аниқ — у уйига енгил атлетика шайдоси бўлиб қайтади.

Умуман олганда, капитан Х. Мўминов саъй-ҳаракатлари туфайли бутун қисм шахсий таркиби спорт билан дўстлашган. Ҳар якшанба бўлинмалар орасида футбол учрашувлари, тош кўтариш, арқон тортиш мусобақалари ўтказилиши бу интилишни янада кучайтиради. Ҳарбий спортчилар округ, вазирлик миқёсидаги мусобақаларда фаол қатнашмоқда. Масалан, яқинда гарнизонда «Жасорат боғи» очилиши муносабати билан ўтказилган спорт байрамида қўриқлаш взводидан оддий аскар Ўктам Ҳайдаров кроссда қатнашиб, биринчиликни қўлга киритди.

Техникани қишки мавсумга тайёрлаш ҳам белгиланган режа асосида ўтказилмоқда. Бу ишлар қисм жанговар тайёргарлигига ёмон таъсир кўрсатмаяпти. Ҳар куни навбатдаги мақсадлар билан сафарга отланган машиналарнинг шай ҳолатда автомобиль паркидан чиқиб туришининг ўзи капитан Х. Мўминовнинг фаолиятига берилган баҳо десак, муболаға бўлмайди. Ҳаракатдан баракат топаётган офицерга хизматларида янги ютуқлар тилаб қоламиз.

Майор А. КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ғайрат Эгамназаров муддатли ҳарбий хизматни тамомлагач, шартнома бўйича хизмат қилишни танлади. У ўзига ишониб топширилган жанговар машинани меҳрлик билан бошқариб, намунали хизмат қилиб келаётир.

К. ТЎРАЕВ олган сурат.

ВЕСТИ С ИТОГОВОЙ ПРОВЕРКИ

ПОБЕДНЫЙ ФИНИШ

Ранним утром военный городок был разбужен бодрыми маршами духового оркестра. Музыканты придавали бодрости военнослужащим, финиширующим на трассе трехкилометрового кросса. Исполняющий обязанности командира взвода старший лейтенант М. Якименко первым пересек финишную черту, увлекая за собой подчиненных. Более половины из них получили отличную оценку, и даже самый последний «убежал» от «двойки». Но и это был не самый лучший результат. В подразделении капитана Д. Санчика абсолютное большинство военнослужащих уложились в отличное время. Даже в подразделении материального обеспечения, где служит сержант А. Пардаев, на завершившемся итоговом занятии только три военнослужащих уложились на удовлетворительно. Остальные показали хорошее и отличное время.

С ПЕРВОГО ВЫСТРЕЛА

Отличные результаты в ходе контрольных стрельб показали многие сержанты контрактной службы. С первого выстрела поразил все цели снайпер младший сержант М. Юсупов, первой очередью — автоматчик младший сержант Р. Омонов.

Не уступали им на огневом рубеже и другие военнослужащие. Командир группы старший лейтенант Д. Дейкин вернулся с огневого рубежа, поразил все мишени. Также уверенно вел огонь Ф. Тошпулатов.

ГРОМ НАД ПОЛИГОНОМ

Грохот выстрелов из орудий БМД, слышимый еще на подъезде к полигону, возвестил о начале стрельб у воинов-десантников. Уже в первом заезде старший лейтенант Р. Азимов из управления батальона и рядовой А. Мухамадов порадовали точным огнем, поразив «танки» и другие огневые средства «противника».

ДРУЖНЫЙ КОЛЛЕКТИВ

В группе химической защиты лейтенанта А. Мадалиева все бежавшие трехкилометровый кросс военнослужащие срочной службы получили отличные оценки. Столь же дружно действовали они и на занятиях по специальной подготовке. Рядовые Б. Сидиков, В. Устинов и другие солдаты уверенно уложились во время нормативов и все без исключения получили хорошие оценки.

Подполковник В. КАЛОШИН.

КУЗГИ ЧАҚИРУВ—2002

Хизматга кетмоқда, асл ўғлонлар

Шаҳар, туман ва вилоят мудофаа ишлари бўлимларида кузги чақирув тадбири якунланиб бормоқда. Чақирув комиссиясидан муваффақиятли ўтган етук йигитларимизнинг дастлабки сафлари ҳарбий қисмларга йўл олишди. Мудофаа ишлари бўлимлари фаолиятида кузнинг дастлабки мана шу икки ойи ўта масъулиятли онлар бўлганлиги, шубҳасиз. Шунингдек, бу тадбирда халқ эътиборидаги бир қатор нуфузли ташкилотларнинг қатнашиши ҳам фикримиз далилидир.

Биз ҳам бўлажак аскарларни Қуролли Кучларимиз сафига қабул қилиш учун амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Ўзбекистон тумани мудофаа ишлари бўлимида бўлдик. Диққатга сазовор томони шундаки, мудофаа ишлари бўлимининг замонавий услубда қурилган янги бинода иш бошлагани бизни қувонтирди. Ўтган йилги эски, нураб ётган бино ўрнида ростланган икки қаватли бино, барча шароитлар мужассам ёруғ хоналарда хизмат қилаётган жамоа ходимларининг кайфияти ҳам шунга яраша, албатта. Чақирув тиббий комиссияси иши учун яратилган шароит эса баъзи вилоят марказларидаги чақирув комиссияси учун ажратилган хоналардан устун десак, хато бўлмайди. Бундай шароитни яратиш учун эса мудофаа ишлари бўлими бошлиғи ўз соҳасини пухта билиш билан бирга, албатта, ишбилармон, ҳаракатчан бўлмоғи лозим.

— Мудофаа ишлари бўлими биносини бир йилдан зиёд вақт мобайнида ҳашар усулида қуриб битказдик,— дейди туман мудофаа ишлари бўлимига тўрт йилдан

(Давоми 2-бетда).

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида баён этилган вазифалардан келиб чиқиб, «Халқ сўзи» — «Народное слово», «Правда Востока» газеталари, «Матбуот тарқатиш» акциядорлик уюшмаси, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси мамлакатимиз журналистлари орасида **«ЎЗБЕКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР», «МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ СИЙМОСИДА»** мавзуида энг яхши публицистик асарлар танловини эълон қиладилар.

— Мустақиллик энг азиз ва энг улуғ неъмат эканлиги;

— истиқлол йилларида мамлакатимизда юз берган ва бераётган ҳаётбахш ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг йил сайин гўзаллашиб ва кўркамлашиб бораётгани;

— кишиларимиз тафаккуридаги ўзгаришлар;

— мустақиллик йилларида эришилган мислсиз ютуқларнинг кишиларимиз тақдирида унутилмас ва ўчмас из қолдираётгани;

— тиниб-тинчимас, эзгу мақсадлар билан ёниб яшаётган юртдошларимиз онгу тафаккуридаги ўзгаришларнинг бош илҳомчиси истиқлол эканлиги;

— фидойилиги ва ташаббускорлиги билан барчага ўрнак, намуна бўлаётган ажойиб замондошларимиз сиймосида Ватанимизнинг буюк келажаги акс топаётгани;

— ёрқин бўёқларда, янгидан-янги шаклларда ва таъсирчан услубларда тараннум этилган энг яхши публицистик асарлар танловга қабул қилинади.

Танловга тавсия этилган асарлар 2002 йил давомида матбуотда эълон қилинган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари қуйидагича тақдирланади:

1-ўрин (битта) — энг кам иш ҳақининг 60 баробари миқдорида;

2-ўрин (иккита) — энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорида;

3-ўрин (учта) — энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида.

Ғолиблар 2003 йил февраль ойининг охирида эълон қилинади.

Асарлар Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасида 15 январгача қабул қилинади. (Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 34-хона. Тел.: 144-64-62, 144-37-87).

Танловга марҳамат, азиз журналистлар!

ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

В РАМКАХ УСТАНОВЛЕННЫХ ПРИОРИТЕТОВ И ЗАДАЧ

На состоявшемся недавно заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан были подведены итоги социально-экономического развития и хода экономических реформ в республике за девять месяцев текущего года и конкретизированы установки по решению задач завершающегося 2002 хозяйственного года. Особое внимание участников заседания было обращено на те отрасли и участки работы, где допущено отставание от установленных заданий. С особой критичностью и деловитостью обсужден вопрос о состоянии подготовки отраслей экономики и территорий республики к осенне-зимнему периоду 2002—2003 года. Вел заседание Премьер-министр Республики Узбекистан У. Султанов.

Следует подчеркнуть, что за девять месяцев текущего года в стране обеспечивалась последовательная реализация задач, поставленных Президентом и правительством республики на 2002 год. При этом решение задач осуществлялось в рамках установленных приоритетов и углубления процесса либерализации всех сторон нашей общественной жизни.

Как отмечено в докладе заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан, министра макроэкономики и статистики Р. Азимова, проводимые в стране реформы позволили обеспечить макроэкономическую устойчивость экономики, развитие которой за девять месяцев этого года характеризуется следующими основными показателями.

Валовой внутренний продукт за 9 месяцев по сравнению с тем же периодом прошлого года вырос на 3 процента. Производство промышленной продукции соответственно — на 7,8 процента. Продукция сельского хозяйства стало на 1,7 процента больше. Розничный товарооборот возрос на 3,6 процента, и объем платных услуг населению — на 12 процентов.

За этими общими цифрами кроется огромная созидательная работа всего нашего народа. И сделано немало. Осуществляются меры по проведению в жизнь разработанных правительством программ и корректировок с целью ускорения развития всего социально-экономического комплекса. В частности, реализуется программа мер по ликвидации убыточных, неплатежеспособных и экономически несостоятельных предприятий с государственной долей собственности по их реструктуризации, акционированию и преобразованию в другие формы собственности. Большое внимание уделялось сокращению внебанковского оборота наличных денежных средств и предотвращению сокрытия получаемых от предпринимательской деятельности доходов юридическими и физическими лицами.

Особое внимание уделялось реализации мер по дальнейшей либерализации внешнеэкономической и валютной политики, унификации обменного курса. Динамично развиваются двусторонние отношения с международными финансовыми организациями. Недавно в нашей стране побывал министр финансов США Пол О'Нил. Он был принят Президентом И. А. Каримовым. На встрече были обсуждены не только вопросы двусторонних экономических отношений, но и развитие отношений между Узбекистаном и экономическими партнерами США.

(Окончание на 3-й стр.).

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Ҳарбий автомобилчиларимиз ўз олдига қўйилган вазифаларни сидқидилдан адо этмоқдалар. Айниқса, юкларни манзилга ташишда уларнинг хизматлари катта.

— Бугунги кунда ҳарбий соҳани техникасиз тасаввур қилиб бўлмайди, — деди Шимоли-ғарбий округ қўмондонининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосари подполковник М. Жамолов биз билан суҳбатда. — Шу боисдан ҳам мазкур соҳага алоҳида диққат-эътибор қаратмоқдамиз. Округ қисм ва бўлинмаларида ҳайдовчиларнинг маҳоратини оширишда барча имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда. Хусусан, йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш учун алоҳида синф хоналари ташкил этилган. Айниқса, яқинда ишга туширилган автодромда малака ошириш учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Ҳайдовчиларимиздан шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи сержантлар — С. Султонов, П. Рейимбоев, И. Қувондиқов, кичик сержантлар — Н. Султонмуродов, Д. Жуманазаров, Е. Алланов, оддий аскар Б. Сейитмуродов, шунингдек, Қуролли Кучлар хизматчилари — Р. Рамазонов, Д. Хўжабеков, Т. Бердибеков, Т. Иброҳимов, У. Есеновлар ўзларига бириктирилган машиналарни асраб-авайлаб, касбдошларига намуна бўлмоқдалар.

Дарҳақиқат, шундай. Машина соз бўлса, йўл бехатар бўлади. Бу борада ишбилармонлик, масъулиятни сидқидилдан ҳис этиш асосий омилдир. Техника ўзига ихлос қўйганларнинг оғирини енгил қилади.

Худди шу жиҳатдан ҳарбий округда ибратли ишлар йўлга қўйилмоқда. Жанговар шайликни оширишда автомобилчиларнинг ҳиссаси беқиёс.

Шартнома бўйича хизмат сержанти А. АРЗИЕВ.
Нукус гарнизони.

ЙЎЛ ПОСБОНИ

Хайдовчиларнинг аксариятида йўл назорати хизматига жазоловчи бир орган сифатида қараш бор. Нега шундай? Келинг, аввало буни бир оз изоҳлайлик. Масалан, ҳарбий автомобиль назорати техник назоратчиси сизни тўхтатди. Йўл варақасини, ундаги қайдларнинг мувофиқлигини, техниканинг қай даражадаги созлигини, хуллас, ҳуқуқи доирасида машинангизни текширади. Хўш, бунинг нимаси сизга малол келади? Ахир, бундайин назорат турли йўл-транспорт ҳодисаси бўлмаслиги учун амалга оширилади-ку. Демак, назоратчи сизнинг соғлигингиз, йўловчи хавфсизлиги, машинангиз бутлигини ўйлаб, қайғуряпти. Йўл варақасидаги сиз учун арзимас туюлган хато, автомобилингиздаги бир оз носозлик бирон-бир ҳалокатга олиб келиши мумкинлигини ўйламайсиз. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, назоратчилар йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлмаслиги, техникангиз, сизнинг хавфсизлигингиз йўлида улкан масъулиятни елкасига олган.

Ана шундайлардан бири соҳа билимдони, тажрибали техник-назоратчи шартнома бўйича хизмат сержанти Зариф Шокировдир. Зариф 1994 йилдан бери Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилиб келмоқда. Яъни, у 2000 йилгача ҳарбий қисмларнинг бирида десантчи, парашютчи бўлиб хизмат қилди. Гарчи гарнизон ҳарбий автомобиль назоратида икки йилдан бери фаолият кўрсатаётган бўлса-да, техникани яхши билиши, соҳани мукаммал тушуниши орқали эътибор қозониб келмоқда.

— Тасдиқланган буйруқ асосида гарнизон ҳарбий автомобиль назоратидаги машиналарни ўз вақтида қишки мавсумга шайладик. Иккита янги техника олганлигимиз ишимиз суръатининг янада ошишига сабаб бўлмоқда. Йилдан-йилга тажрибамиз, малакамиз ошиб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга ҳаракат қиляпмиз.

Шу ўринда сержант Зариф Шокировнинг йўл-транспорт ҳодисалари камаяётганини билан боғлиқ гапини мисоллар ёрдамида кўриб чиқсак. Аниқроғи маълумотларни қиёслаб, таҳлил қилмоқчимиз. Дейлик, 2001 йилнинг учинчи чорагида техник носозлиги билан қайд этилган автомобиллар 300 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг худди шу даврига нисбатан кўрсаткич 137 тани ташкил этмоқда. Ҳужжатларни расмийлаштирмай юриш билан боғлиқ ҳолат ўтган йил учинчи чорагида 151 та, бу йил шу даврда 117 та қайд этилган. Булардан кўриниб турибдики, назоратчиларнинг талаби, ҳайдовчиларнинг ҳарбий техникага бўлган масъулияти, эътибори ортиб бормоқда.

— Техниканинг эксплуатацияси билан боғлиқ хизмат полковниклар — Р. Иргашев, М. Расулов, подполковниклар — Т. Байғанов, А. Синотов командирлигидаги ҳарбий жамоаларда яхши йўлга қўйилган, бироқ майор Б. Туронов, майор А. Калонов етакчилигидаги қисмларда бу борадаги ишлар қониқарли эмас. Ёки бўлмаса, йилнинг учинчи чорагида подполковниклар — Қодиров, Пиров етакчилигидаги жамоаларда йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилди. Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Хўш, йўл-транспорт ҳодисаларига асосий сабаб нимада? Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳайдовчилар томонидан тезлик режимига риоя қилмаслик, тажрибасизлик, йўл ҳаракати белгиларига эътиборсизлик, муайян масофани сақламаслик каби омиллар бунга замин яратмоқда,— деди суҳбат давомида шартнома бўйича хизмат сержанти З. Шокиров.

Бу фикрларни катта нозир майор Тоҳир Саидаҳмедов қуйидагича тўлдирди.

— Бу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида муайян режа асосида мунтазам равишда ҳарбий қисмларда бўлиб, ҳайдовчилар билан, автомобиль хизмати мутасаддилари билан суҳбатлар ўтказамиз. Ҳатто шахсий машинаси бор офицерлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ҳар чоршанбада ҳарбий малака комиссияси термопунктга қўйилган автоуловлар ҳайдовчилари билан амалий ва тарбиявий ишларни олиб боради. Ҳар ойда назоратчилар билан техника хавфсизлиги бўйича инструктажлар ўтказамиз.

Суҳбат ниҳоясига етгач, гарнизон ҳарбий автомобиль назоратининг ҳовлисига чиқамиз. Икки нафар техник назоратчи ўзларига тегишли автомашинани кўрикдан ўтказмоқда. Ҳа, аввало ўзлари бошқаларга ўрнак бўлмоғи лозим-да. Дарвоқе, шартнома бўйича хизмат сержантлари, техник назоратчилар — Г. Саитов, Д. Турсунқулов, кичик сержант Д. Музаффаровларнинг гарнизонда йўл ҳаракати ҳодисаларининг камаяётганида хизматлари беқиёс.

Ҳарбий қисм жамоаси дала-ўқув машғулотига чиқиши керак. Демак, жанговар техникалар ҳам шай ҳолатда. Техник назоратчи сержант З. Шокиров дарҳол ўша жамоага отланди. Ахир у барча автоуловларнинг техник ҳолатини текшириши, машғулот жойига кузатув остида олиб бориши лозим. Демак, у ҳайдовчи учун ҳам, техника учун ҳам қайсидир маънода масъул. Дарҳақиқат, йўл посбони ўз вазифасига қанчалар масъулият билан ёндашса, йўл ҳаракати шунча яхшиланади. Ҳа, йўлингиз бехатар бўлишида назоратчининг-да ўрни беқиёслигини унутманг, азиз ҳайдовчи.

Капитан А. САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Суратда: **шартнома бўйича хизмат сержанти З. ШОКИРОВ.**
К. ТЎРАЕВ суратга олган.

● ВЕСТИ С ИТОГОВОЙ ПРОВЕРКИ

ВЕРНЫЙ КУРС

избрал воинский коллектив, возглавляемый подполковником Г. ДЖУМАНИЯЗОВЫМ.

Результаты боевой учебы мотострелков в первом полугодии, по правде говоря, мало кого радовали. Итоги весенней проверки вызвали тогда немало нареканий со стороны командования округа, да и в части понимали, что уровень подготовки оставляет желать лучшего. При иных обстоятельствах подобное положение дел наверняка повлекло бы за собой определенные меры воздействия. Но, учитывая тот фактор, что незадолго до окончания зимнего периода обучения сменились и командир, и некоторые его заместители, вышестоящие начальники не стали рубить сплеча, а всячески старались помочь коллективу изменить ситуацию к лучшему, тем паче что некоторые вопросы жизнедеятельности части действительно хромали основательно. Правда, надо признать, был на это и ряд объективных причин. В частности, ощутимо на росте профессионального мастерства воинов сказывалось отсутствие полигона, в результате чего мотострелки не имели необходимой практики стрельбы, вождения боевых машин. Но в то же время такие дисциплины, как общественно-политическая, физическая подготовки не требовали особых условий, однако и они не отвечали должным требованиям. Одним словом, сам собой напрашивался коренной перелом как в материальном обеспечении боевой учебы, так и в сознании тех, кто за нее отвечает, и тех, кто ее постигает.

Подполковнику Гайрату Джуманиязову, а именно он возглавил эту часть, командирского опыта не занимать, и он понимал, что авральными мерами кризис не преодолеть, а потому за основу был взят тщательный анализ допущенных ранее ошибок и промахов. Доскональное изучение моральных и деловых качеств офицеров позволило произвести некоторую перегруппировку сил. На самые важные направления стали назначаться энергичные, смело берущиеся за дело офицеры, большая работа была проведена и с военнослужащими по контракту. В корне менялись формы и методы командования. Если раньше по надобности и без нее офицеры львиную долю времени проводили в части, то теперь распорядок дня стал соблюдаться неукоснительно, и те, кто не был задействован для несения службы в карауле, наряде, по окончании трудового дня убывали из части, чтобы следующий—провести с максимальной отдачей.

Действенным помощником командиру стал отдел воспитательной работы под началом майора Мамура Шукурова. Глубже стали вникать офицеры-воспитатели в запросы и нужды военнослужащих, своевременно реагировать на тревожные сигналы, что позволило заметно улучшить воинскую дисциплину. Так, шаг за шагом кривая показателей выравнивалась, а затем и стала подниматься вверх, причем с каждым месяцем этот прогресс становился все более ощутимым. Окончательным же ответом на то, как командование части сумело выйти из затруднительного положения, должна была стать итоговая проверка, к которой воинский коллектив готовился самым основательным образом.

Комиссия под руководством командующего округом генерал-майора Исмаила Эргашева уже с первых дней сдачи главного экзамена года стала отмечать положительные тенденции. И в первую очередь — высокий моральный настрой личного состава на достижение нужного результата.

— Итоговые занятия по общественно-политической подготовке, — говорит проверяющий полковник Бахром Очилов, — наглядно продемонстрировали, что в летнем периоде обучения здесь не сидели сложа руки. У руководителей, слушателей групп ОПП безукоризненно отработаны конспекты по всем изучаемым темам, впечатляют и знания воинами вопросов, выносимых на проверку. Высоких оценок удостоились офицеры управления части капитаны Р. Альков, В. Малюшко, А. Астанов, П. Зайнитдинов, старший лейтенант Д. Порохня, отличились и военнослужащие артиллерийского дивизиона под командованием капитана В. Надымова. Особенно хотелось бы отметить тот момент, что проверяемые довольно хорошо ознакомлены с материалами последней сессии Олий Мажлиса, с выступлением на ней Президента Узбекистана, а это означает, что офицеры части чутко реагируют на все важные политические события в жизни страны и, что самое главное, — своевременно и очень доходчиво разъясняют их суть своим подчиненным. Думается, что и в остальных группах мы увидим такое же ревностное отношение к этому предмету обучения и коллектив сумеет получить хорошую оценку.

По словам начальника штаба проверочной комиссии полковника Алексея Касьяненко, существенные изменения к лучшему произошли и в вопросах организации и проведения занятий по огневой, тактической подготовкам, вождению боевых машин. Подтверждением тому послужило выполнение упражнения контрольных стрельб в подразделении, обязанности командира которого исполняет майор Руслан Камалов. Практически все, кто выходил на огневой рубеж, возвращались на исходную с хорошими и отличными показателями.

Заслуживает внимания и бережное отношение в части к эксплуатируемой технике.

— Уже сегодня можно смело утверждать, — говорит полковник Касьяненко, — что в данном направлении коллектив займет лидирующее положение в округе.

Прогнозы обнадеживающие, а это не что иное, как свидетельство того, что коллектив на верном пути. И все же не будем торопиться с окончательными выводами. Впереди у подчиненных подполковника Джуманиязова очень ответственный этап — батальонные тактические учения, которые, пожалуй, и станут главным критерием определения уровня боевой выучки воинов в этом году.

Подполковник Я. КОРУКА,
корр. «Ватанпарвара».

Военно-политические новости

ГОТОВЫ ДЛЯ ПЕРЕГОВОРОВ

В понедельник Ким Ю Нам, второй в табели о рангах среди руководителей КНДР, на переговорах с министром Южной Кореи заявил, что его страна готова провести переговоры с США по поводу секретной северокорейской программы ядерного оружия. Об этом сообщило телевидение Сеула.

Госсекретарь США Колин Пауэлл заявил, что договор с Северной Кореей от 1994 года о ядерном вооружении, по сути дела, аннулирован, и что Вашингтон, скорее всего, прекратит оказывать содействие КНДР в ядерной сфере.

КАМАЗ — МАШИНА БОЕВАЯ

Не секрет, что эти автомобили КамАЗ стоят на вооружении всех армий СНГ. Высокий технический уровень автомобилей КамАЗ обеспечивает эффективность перемещения вооружения и техники в экстремальных дорожных и боевых условиях.

На автомобилях Камского автозавода монтируется более 350 образцов различных вооружений. Только за последние два года на «КамАЗе» было разработано более 40 различных армейских комплектаций автомобилей, внедрено свыше 30 изменений в их конструкцию. Российские военные специалисты уже проверили 19 моделей и модификаций грузовиков, представляющих все семейства производимой в ОАО «КамАЗ» автомобильной техники, а также ряд двигателей и других автомобильных компонентов. Особый интерес у них вызывает предложение камазовцев об установке на армейскую технику двигателя «КамАЗ-740. 14-260» уровня ЕВРО-1, а также новейших модификаций тяжелых автомобильных шасси семейства «КамАЗ-6520».

«ЛЕОПАРДЫ» В ПОЛЬШЕ

В Войске Польском принята на вооружение первая партия немецких танков «Леопард». 15 боевых машин вошли в состав 10-й бронетанковой бригады. Всего Германия поставит для поляков 128 таких танков, выпущенных в 1985—1987 годах, а также тягачи, бронированные мостоукладчики, автомобили связи, тренажеры для обучения стрельбе и боеприпасы. Общая стоимость всего этого имущества оценивается суммой около 375 млн. долларов. При этом Польша выплатит Германии в течение нескольких лет всего около 22,5 млн. долларов. А танки польского производства ПТ-91 «Тварды», находящиеся на вооружении 10-й бронетанковой бригады, переданы в другие соединения Войска Польского.

«НУЛЕВАЯ «ТЕРПИМОСТЬ»

В швейцарской армии усиливается борьба с наркоманией. С января 2003 года каждый новобранец должен будет подписать заявление о том, что он знает о запрете на употребление наркотиков в армии и о наказании, которое постигнет его в случае нарушения данного запрета. Командующий сухопутными силами этой страны призвал командиров практиковать «нулевую терпимость» к наркотикам.

Обеспокоенность швейцарского военного командования не случайна. По данным социологического исследования, до призыва в армию более половины молодых швейцарцев уже пробовали наркотики, а 35 процентов знают, что такое алкогольное опьянение.

ВЕНГЕРСКИЕ «ПРОФИ»

Венгерская армия по планам до 2006 года перейдет на профессиональную основу. Желающим стать профессиональными военными предлагаются заманчивые горизонты. По пессимисты считают, что это невозможно в условиях хронической нехватки финансов, отсутствия должных капиталовложений и что вряд ли удастся создать так быстро профессиональную армию в соответствии с высокими стандартами НАТО.

Сегодня в армию идут 60 процентов добровольцев из-за безработицы. Почти 40 процентов венгров после прохождения срочной службы в прошлом году так и не смогли устроиться на работу. Нынешней весной половина призывников была признана непригодной к срочной службе по состоянию здоровья.

(По материалам печати).

ХИЗМАТГА КЕТМОҚДА, АСЛ ЎҒЛОНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

буён раҳбарлик қилиб келаётган подполковник Ғуломжон Эргашев.— Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ва вилоят ҳокимияти бино қурилишида бизга катта ёрдам беришди. Мудофаа биноси қурилишидан аввалроқ чақирув тиббий комиссияси иши учун бино қуриб, барча керакли анжомлар билан таъминладик. Кўриб турганингиздек, тиббий комиссия ва чақирув комиссияси аъзолари етарли шароитда иш олиб боришмоқда. Йигитларимизни муддатли хизматга лаёқатлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг ҳарбий хизматга бориш иштиёқи жуда юқори. Аммо, фақат иштиёқнинг ўзи камлик қилади, албатта. Айрим ҳар томонлама етук йигитларимиз борки, ўзларидаги баъзи касалликларга енгил-елпи, беписанд қараб вақтида муолажа олмаганликлари туфайли муддатли хизматга эмас, балки даволаниш учун шифокорга йўлланма олишга мажбурлар. Чунки тиббий комиссия текширувида аниқланган арзимас касаллик ҳам ҳарбий хизматдаги ўзига хос шароитда баъзи муаммоларга сабабчи бўлиши мумкин. Умуман олганда, ҳарбий жамоамиз ходимлари бўлажак Ватан посбонларини нафақат саломатлиги, балки руҳан етуклиги, посбонлик бурчига ҳурмат ва иштиёқини ҳисобга олган ҳолда вилоят чақирув комиссиясига йўлламоқда.

Чақирув комиссияси иши билан танишар эканмиз, бу жараёнга етти йилдан буён бошчилик қилиб келаётган ўсмирлар бош мутахассиси, ички касалликлар шифокори Анваржон Қосимовга ўзимизни қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдик.

— Анваржон, тиббий комиссия текширувидан яхши ўтган баъзи йигитларимизда ҳам хизматнинг дастлабки ойлари ошқозон касаллиги билан боғлиқ муаммолар учраб туради. Сиз бунга қандай изоҳ берасиз?

— Бундай муаммоларни келиб чиқишига асосий сабаб оиладаги озқатланиш тартибига риоя қилмаслик, деб ўйлайман. Нонушта ёки тушлик вақтларига эътибор қилмай, хоҳлаган вақтида тамадди қилиб юрган йигитларимиз ҳарбий хизматдаги қатъий кун тартибига риоя қилишга мажбурлар. Бунда, албатта, ошқозонда ўзгариш бўлиши табиий ҳол. Шунинг учун аскарлик бурчига лойиқ бўлиш учун ҳаракат қилаётган ўғлонларимизга овқатланиш тартибига амал қилишни ҳам маслаҳат бериб борамиз.

Биз Анваржон билан суҳбат давомида билдикки, у ёш бўлишига қарамай, ўз касбининг етук мутахассиси. Чақирув тиббий комиссиясига юқори категорияга эга, вилоятдаги тиббий аттестациядан муваффақиятли ўтган шифокорлар олиниши ҳам фикримиз далилидир. Шунингдек, тиббий комиссия сафида руҳшунос Фотимахон Кимсанова, жарроҳ Ҳалимжон Ғофуров, асаб касалликлари шифокори Мўминжон Обиджоновлардек узоқ йиллик тажрибага эга, ўз касбининг чуқур билимдонлари борки, улар бўлажак аскарларимиз саломатлигининг жонкуяр посбонлари ҳам.

Биз Ўзбекистон тумани мудофаа ишлари чақирув бўлимидан яхши кайфият билан қайтдик. Чақирув комиссияси томонидан хизматга лойиқ топилган сара ўғлонлар йигитлик бурчини аъло даражада ўтайди, деб умид қиламиз.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ОДНИМ ИЗ ПЕРВЫХ

В воинском коллективе автомобильного взвода знали водителя рядового Миркомила Кучкарова как одного из лучших специалистов своего дела, образцово эксплуатировавшего вверенную технику.

Пусть читателя не удивляет, что об отличном воине ведется разговор в прошедшем времени — недавно приказом командира части Миркомил, как выслуживший положенный ему срок, уволен в запас и убыл домой — в Ташкентскую область.

Уже сам факт того, что парень оказался в числе тех, кому посчастливилось ехать домой первыми, говорит о его добросовестной службе Родине. Из далекого южного гарнизона солдат увез в столицу не только полный фотографиями «дембельский» альбом, но и грамоты и благодарности командования, адреса боевых друзей.

Капитан И. МУХАМЕДОВ.

Суратда: **ХАН катта назоратчиси майор Тоҳир Саидаҳмедов, техник назоратчи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Асқар Хўжаназаров ва назоратчи шартнома бўйича хизмат сержанти Абдувоҳид Мирзаевларни кўриб турибсиз.**
К. ТЎРАЕВ олган сурат.

● АСКАРЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Ҳайдовчилик касби

Оддий аскарлар — Баҳром Мамараимов ва Чори Пардаевлар ҳайдовчи бўлиб хизмат қилишади. Б. Мамараимов Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида туғилиб ўсган, Ч. Пардаев эса Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидан. Бу икки аскарнинг хизматни бошлаганига яқинда бир йил тўлади.

Хўш, уларнинг айнан шу касбни танлашларига нима сабаб бўлди? Улар ўз мутахассисликларидан мамнунмилар ва умуман, хизматлари қандай бўляпти?

Б. Мамараимов: — Мен ҳайдовчи оиласида туғилиб ўсдим. Отамдан бу касб сирларини ўрганишни болалигимдан бошлаганман. Кейин мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомактабида ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини олдим. Хизматимни ҳайдовчи бўлиб бошладим. Ҳозир анча тажрибали ва ўзимга пишиқман, десам ишонаверинг.

Ч. Пардаев: — Менинг акам ҳам шофёрлар. Техникани мукаммал билганликлари учун акамни барча ҳурмат билан «Анваржон уста», деб чақиради. Шу боисми, менинг дилимда техникага ҳавас уйғониб, бора-бора у муҳаббатга айланди. Хизматимни Тошкент гарнизонида бошладим. Техникани яхши билганлигим учун менга ихтиёримдаги ушбу машинани ишониб топширишди.

— Ҳайдовчиликни ўзига хос гашти бўлса керак?

Ч. Пардаев: — Шаҳар жой эмасми, доимо сергак бўлишни, йўл ҳаракати қоидаларига оғишмай амал қилишни ўргандим. Кўпчилик аскарларнинг биз — ҳайдовчиларга ҳавас билан қарашлари табиий. Лекин бу касбнинг ҳам ўзига яраша қийинчилиги, масъулияти бор.

— Хизматдан сўнг нима қилмоқчисизлар?

Б. Мамараимов: — Мен ҳайдовчиликни ёқтириб қолдим. Шу касб соҳиби бўлсам керак.

Ч. Пардаев: — Мен ҳам айнан дўстим Баҳромнинг сўзларини такрорлайман. Қайдам, яна ким билади...

— Ҳарбий касбдошларингизга тилакларингиз?

Б. Мамараимов: — Йўллари бехатар бўлсин. Доимо — йўлда ҳам, ҳаётда ҳам сергак, ҳушёр ва масъулиятли бўлишсин!

Ч. Пардаев: — Ҳаётда бирор хатога йўл қўйсангиз, уни кейинчалик тузатиш мумкин. Ҳайдовчи эса қўпол хатога йўл қўйдими, баъзида уни тўғрилашнинг имкони бўлмайди. Яъни, озгина ҳафсаласизлик ҳам бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин. Мен буни ҳар бир касбдошим теран англашини истайман.

Суҳбатдош: лейтенант Ҳ. МИРЗАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТАРАҚҚИЁТ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

БМТ ташкил топган кун муносабати билан мазкур халқаро ташкилотнинг пойтахтимиздаги ваколатхонасида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда БМТ ва БМТ тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Р. Конрой, Тараққиёт дастури вакили маслаҳатчиси Л. Буадзе, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги доимий вакили М. Лейн, ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Б. Виго, УССТ ваколатхонаси раҳбари А. Нанда, Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг минтақавий вакили А. Деледдалар нуфузли халқаро ташкилотнинг кенг қиррали фаолияти хусусида қисқача маъруза қилишди.

Шу ўринда биз яшаётган янги минг йилликдаги тараққиёт бўйича БМТ илгари сураётган мақсадлар хусусида тўхталсак. Аввало дунёда қашшоқлик ва очликни 2015 йилгача икки баробар қисқартириш масаласи тури бди, кун тартибида. Дейлик, бугунги кунда ер аҳолисининг 1,2 миллиард аҳолиси қашшоқ ҳисобланади. Навбатдаги муаммо дунё бўйича бошланғич таълимни ташкил этиш. Ҳозирда 113 миллион бола умуман мактабга бормаётганини инобатга олмоқ лозим. Аёл ҳуқуқлари, имкониятларини кенгайтириш, уларнинг эркаклар билан тенглигини таъмин этиш ҳам БМТнинг устувор вазифаларидан. Маълумотларга қарайдиган бўлсак, саводсизларнинг учдан икки қисми аёллар. Ёки 80 фоиз қочоқлар болалар ва аёлларни ташкил этади. 1980 йилда 5 ёшгача бўлган болалар ўлими йилига 15 миллионни ташкил этарди. Ҳозирда бу кўрсаткич 11 миллион. Шу боис халқаро ташкилотнинг муҳим мақсадларидан бири 5 ёшгача бўлган болалардаги ўлим даражасини учдан иккига қисқартириш. Ривожланаётган мамлакатларда ҳар қирқ саккизинчи туғиш она ўлими билан якун топаётган экан. Гарчи бугун дунёнинг деярли барча мамлакатида оналик муҳофазаси бўйича дастур бўлса-да, БМТ оналар ўлими билан боғлиқ муаммони тўртдан уч улушга қисқартирмоқчи. Касаллик тарқалишининг, хусусан, ОИТСнинг олдини олиш ҳам кун тартибида. Шунингдек, экологик барқарорликни таъмин этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сайёраларимизнинг барчасига 2015 йилгача эришиш мақсад қилиб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, бу муҳим вазифалар мажбуриятини 2000 йилда бўлиб ўтган «Минг йиллик саммити»да барча аъзо давлатлар зиммаларига олишган.

Ҳа, бугунги кунимизга назар ташлар эканмиз, ҳамкорлик, интеграциялашувнинг аҳамияти беқиёслигини англаймиз. Ҳатто БМТ ташкил топган кун муносабати билан бош котиб Кофи Аннаннинг йўллаган мурожаатномасида ҳам қуйидаги сўзлар бор: «Агар барчамиз ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, дунё халқлари кўп нарсага эришишади». Агар яқин 12 йил ичида муайян маънода тараққиётга эриша олмасак, кейинги 10 йилда бу мақсадларнинг кўпчилиги бажарилмай қолади».

Матбуот анжуманида БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари вакиллари Ўзбекистонда олиб бораётган кенг кўламли ишлари борасида тўхталишди. Мисол тариқасида УССТ билан ҳамкорлигимизни келтириб ўтишимиз мумкин. Масалан, мазкур ташкилот — Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмагида мамлакатимиз жорий йилда полиомиелитдан холи ҳудуд деган мақомга эришди.

К. Аннан мурожаатномасида барча халқлар олдига қўйилган мақсадларнинг оғишмай бажарилишидан манфаатдор бўлгандагина самарага эришиш мумкинлиги ишора бор. Демак, тараққиёт, турмуш тарзимизни янада яхшилаш ўзимизга боғлиқ.

Капитан А. ТОЛМАСОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Фармони

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва амалга ошириш, ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришга жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик вакилларини, корхона ва ташкилотларни, шу жумладан халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш;

мамлакатимиз ҳамда чет эл инвестицияларини, ҳомийлик маблағлари ва грантларни болалар-ўсмирлар жисмоний тарбия ва спорти соҳасига кенг кўламда жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, мамлакат шаҳар ва туманларида Жамғарма бўлимларини очиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

4. Қуйидагилар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг асосий манбалари этиб белгилансин:

давлат бюджети (республика ва маҳаллий бюджетлар) маблағлари;

Жамғарма муассисларининг пул бадаллари;

Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, ташкилот ва клубларининг пул маблағлари;

хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтларнинг грантлари ва улар томонидан бериладиган беғараз ёрдам;

хўжалик юритувчи субъектлар, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳам, норезидентлари ҳам бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалари ва ҳомийлик маблағлари;

Жамғарма фаолиятидан, шунингдек Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида у таъсис қилган корхона ва ташкилотларнинг фаолиятидан олинадиган даромадлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси:

ташқи иқтисодий ва халқаро спорт фаолиятини амалга ошириш, банкларда миллий ва хорижий валюталарда ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга;

унинг низомидаги мақсад ва вазифаларга қатъиян мувофиқ бўлган асосий фаолият турлари бўйича барча турдаги солиқларни, божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлар бундан мустасно) ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўлов ва йиғимларни тўлашдан озод қилинади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахсларнинг, шунингдек жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки ҳомийлик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказиладиган маблағлари солиққа тортиш базасидан чиқарилади.

Жамғарманинг тижорат ва савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланиши истисно этилади.

6. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар ҳамда бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятига кенг миқёсда кўмаклашиб, ҳар томонлама ёрдам берсинлар.

7. «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлашга ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари беришга номзодларни тақдим этиш чоғида Жамғарма Васийлик кенгашининг фикри ҳал қилувчи деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари Жамғарма фаолиятини кенг кўламда ёритиб, мамлакатда болалар-ўсмирлар оммавий спортини ривожлантириш ишидаги ижобий тажрибани тарғиб қилсинлар, шунингдек Жамғарманинг фаол ҳомийларини ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан реклама қилишнинг тадбирларини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 октябрь.

● ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ УТКАЗУВЧИЛАРГА ЕРДАМ

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТЎҒРИСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда 30—31 октябрь кунлари «Конституция ва Қуролли Кучларда ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги қонунлар талабларини бузганлик учун ҳарбий хизматчилар жавобгарлиги» мавзусида ҳуқуқий билимлар ягона куни ўтказилади.

Ушбу мавзуни ўрганиш ҳарбий хизматчиларга, аввалambor армияга янги келган жангчиларга мамлакатимиз Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизмат аҳамиятини чуқур идрок этиш, уни ўташ тартибини билиб олиш ва ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун ҳар бир киши жавобгар эканлигини англаб етишда ёрдам беради. Мазкур мавзуга мурожаат қилиш, шунингдек, республикамиз раҳбарияти томонидан ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини қисқартириш, ҳозирги шароитда унинг аҳамияти ва мавқеини ошириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар моҳиятини тушуниб етишда кўмаклашади.

Мавзуни ўтказишда қисм ва бўлинмалар раҳбарияти таркибини, бошқармалар, штаблар, бўлинма ва хизматлар офицерларини, шунингдек, ҳарбий адлия офицерлари ҳамда ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳларининг энг яхши тайёргарликка эга раҳбарларини жалб этиш лозим.

Мавзуни қуйидаги асосий икки саволга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Конституция ва Қуролли Кучларда ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

2. Олий Мажлис иккинчи чақириқ тўққизинчи сессияси ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳақида. Ҳарбий хизматни муносиб даражада ўташ — ҳар бир жангчининг бурчи. Ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги қонунлар талабларини бузганлик учун ҳарбий хизматчилар жавобгарлиги.

Мустақиллик туфайли эришилган муҳим ютуқлардан бири — ўз миллий армиямиз, давлатимиз суверенитетини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз тинч ҳаётини ишончли таъминлайдиган Қуролли Кучлар ташкил этилиши бўлди. Мустақил давлатимиз Қуролли Кучлари ҳаётида 1999 йили янги тарихий давр — ягона давлат сиёсати асосида Қуролли Кучлар, Чегара ва Ички қўшинларни босқичма-босқич ислоҳ қилиш даври бошланди. Тезкор (мобил), талаб даражасида яхши жиҳозланган, ҳар қандай мураккаб ва қийин шароитда мамлакат мудофаасини ҳамда хавфсизлигини тўла таъминлай оладиган Қуролли Кучларни ташкил этиш ислоҳотнинг бош вазифасидир.

Мамлакатимиз Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг ташаббуси билан бошланган ҳарбий ислоҳотлар, давлатимиз мудофаа қобилиятини, хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучлар жанговар шайлигини ошириш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар, ҳарбий ислоҳотлар ўтган даврига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг ўз вақтида қабул қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Ушбу ислоҳотлар хавфсизлигимизга раҳна солаётган таҳдидларга муносиб жавоб, мураккаб даврда Ватанимиз мудофааси, халқимиз тинч ҳаёти, мамлакатимиз ҳамда минтақада осойишталик ва барқарорликни ишончли сақлашнинг кафолати бўлди.

Бироқ, Олий Мажлис иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида таъкидланганидек, **биз ислоҳотлар ва сифат жиҳатдан янги армияни шакллантириш бир марталик, бир лаҳзалик жараён эмаслигини, унинг давлат тизимини ривожлантириш ва янгилаш сингари узлуксиз жараён эканлигини унутмаслигимиз керак. Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш жараёни олдимизга янги вазифа ҳамда муаммолар қўйди.** Ҳарбий хизмат ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, армияни профессионаллаштириш жараёнини чуқурлаштириш, унинг мавқеини юксалтириш, унга умумэътиборни кучайтириш ва муддатли хизматни 18 ойдан 12 ойга қисқартириш ҳам шулар жумласидандир. Олий Мажлис иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясининг ҳарбий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича қабул қилган қарорлари тўғрисида тўхталишдан олдин Қуролли Кучларда ҳарбий хизматни ўташнинг ҳуқуқий асослари хусусида фикр юритамиз.

Биринчи саволни кўриб чиқишга киришилар экан, мамлакатимиз парламенти томонидан 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси** мустақил давлатимиз ҳимояси ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайдиган, Қуролли Кучлар тарихий роли ва вазифаларини белгилаб берадиган асосий қонун эканлигини таъкидлаш лозим. Конституцияда мудофаа ва хавфсизликка алоҳида боб ажратилган бўлиб, у ҳарбий масалаларга бағишланган. **Конституциянинг 125- ва 126-моддалари, бу — Қуролли Кучлар ҳаётий фаолиятининг асоси, бу—унинг ҳуқуқий мавқеи (статуси), бу — Қуролли Кучлар бутун ҳаёти, ўқув ва жанговар фаолияти ўрин олган пойдевор.**

Конституция Қуролли Кучлар ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамлабгина қолмасдан, у бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш бўйича фуқаролар мажбуриятларини ҳам мустаҳкамлайди. **Конституциянинг 52-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи. Фуқаролар қонунда белгиланган ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар».** Бундан маълумки, Ватанни, унинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг Конституциявий бурчи ва мажбуриятидир.

Юқорида айтилганидек, Конституция Қуролли Кучлар ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамлайди. Бироқ, ҳарбий хизмат кўп қирралари, ҳаракатчан бўлиб, у ўқув ва ҳарбий хизматчилар кундалик фаолияти, чақирув масалалари, сафарбарлик, жанговар тайёргарлик, аҳолини мудофаага тайёрлаш, турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар (шартнома бўйича хизматдаги, муддатли хизматдаги жангчилар) хизмати билан боғлиқ масалаларни қамраб олади. Қуролли Кучларнинг ушбу кўп қиррали фаолияти ўз тарихий ривожи ва такомиллашуви мобайнида қатор қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, Умумҳарбий низомлар, Мудофаа вазирининг буйруқлари ва директивалари билан мослаб (бошқарув) борилади.

1992 йил 3 июлда қабул қилинган **«Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Муқобил хизмат тўғрисида»**ги қонунлар, Олий Мажлис иккинчи чақириқ бешинчи сессиясида 2001 йил 11 майда тасдиқланган **«Мудофаа тўғрисида»**ги Қонун Қуролли Кучлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлидаги **«Ҳарбий қасамёд тўғрисида»**ги Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги **«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, Чегара ва Ички қўшинларида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори ҳам ҳаётий муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур Қарор ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб бергани учунгина эмас, ушбу ҳужжат туфайли Қуролли Кучларда командирларнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари (ҳозирда — командирларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари) институтининг ташкил этилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Мазкур Қарор қабул қилинганидан бери ўтган ўн йил ушбу институтнинг зарурлигини ва вужудга келган тарбиявий ишлар тизимининг юксак самарали эканлигини тасдиқлади.

Президентимиз Ислом Каримов 1993 йил 22 ноябрда имзолаган **«Ҳарбий қисм Жанговар Байроғи тўғрисида»**ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу ҳужжат асосида Қуролли Кучлар учун ҳарбий қисм Жанговар Байроғининг ягона намунаси белгиланди ва Қуролли Кучлар Ички хизмат низомига киритилган Жанговар Байроқ тўғрисидаги қоида ишлаб чиқилди.

Ҳарбий қурилиш масалалари бўйича 1995 йил 3 августда қабул қилинган **Ҳарбий доктрина,** 2000 йил 3 февралда тасдиқланган **Мудофаа доктринаси** каби ҳужжатлар ҳам барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар учун катта аҳамиятга молик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги **«Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»**ги Қарори ҳам муддатли хизмат ўтовчилар учун муҳим аҳамият касб этди.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун ҳарбий хизмат ўташ тартибини белгилайди. Бу қонун Конституциянинг 52-моддасига асосланган.

Мазкур қонунда ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари белгиланган:

— муддатли ҳарбий хизмат;

— аскар, денгизчи, сержант ва старшина, шунингдек, прапоршчик ва мичман лавозимларида битимга биноан ҳарбий хизмат;

— хотин-қизлар битимга биноан ўтайдиган прапоршчик ва мичман, шунингдек, аскар ва сержант лавозимларидаги ҳарбий хизмат;

— ҳарбий ўқув юртларининг курсанти (тингловчиси) сифатида ўталадиган ҳарбий хизмат;

— офицерлар лавозимларида ўталадиган ҳарбий хизмат.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида муддатли ҳарбий хизматга тинчлик вақтида Ўзбекистон Республикасининг саломатлиги жиҳатдан ҳарбий хизматга лойиқ, чақирув кунигача 18 ёшга тўладиган эркак фуқаролари чақирилиши кўзда тутилган. Чақирув Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ йилига икки марта — баҳор ва кузда амалга оширилади.

Қонунда ҳарбий хизматни ўташ муддатлари қуйидагича белгиланган: муддатли хизматдаги аскарлар ва сержантлар учун — 18 ой; олий маълумотлилар учун — 12; биринчи битимга биноан ўтаётганлар учун — 3 йил.

Бизнинг мамлакатимиз МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, умумқабул қилинган демократик стандартлар асосида **«Муқобил хизмат тўғрисида»** Қонун қабул қилди. Муқобил хизмат муддати — 24 ой, олий маълумотли фуқаролар учун эса — 18 ой.

Шунингдек, мамлакатимиз қонунчилиги билан тинчлик даврида армияга чақирувдан озод қилинувчи фуқаролар тоифаси ҳам белгиланган. Бу тоифага соғлиги заифлиги сабабли тинчлик вақтида ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган, 27 ёшга тўлгунига қадар муддатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилмаган, рўйхатдан ўтказилган диний идораларнинг бирида диний рутбага эга бўлган, туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки ўлган шахслар киритилган.

Қонун билан, шунингдек, ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегаралари ҳам белгиланган:

— хизматни шартномага биноан ўтаётган аскарлар, денгизчилар, сержантлар ва старшиналар учун — 45 ёшгача;

— оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар таркибидаги лавозимларда шартнома асосида хизмат қилаётган хотин-қиз ҳарбий хизматчилар учун — 45 ёшгача;

— прапоршчик ва мичманлар, катта офицерлар учун — 45 ёшгача;

— кичик офицерлар учун — 43 ёшгача;

— полковниклар учун — 50 ёшгача ва ҳ. к.

Офицерларнинг хизмат муддати Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томонидан беш йилгача узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларини, ҳарбий хизмат ҳақидаги қонунларни, Фармон ва қарорлар, умумҳарбий Низомлар талабларини яхши билиш ҳарбий хизматчиларга ҳарбий хизматнинг аҳамияти ва мустақил Ватанимиз муқаддас сарҳадларини ҳамда халқимизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича ўз бурчларини чуқур англаб етишларида ёрдам беради.

Иккинчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, тингловчиларга ҳарбий ҳуқуқ ҳарбий хизматчи ҳаёти ва касбий фаолиятининг барча томонларини, яъни жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, жанговар шайлик ва ҳарбий интизом, маиший масалалар, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилиш масалаларини ўз ичига олмоғи кераклигини эслатиб ўтиш зарур. У, шунингдек, ҳарбий қурилиш жараёнини акс эттириши, ҳарбий иш амалиёти билан бирга бориши, давр талабларига ўз вақтида жавоб бера олиши лозим. Бу маънода ҳарбий хизмат ўташнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессияси қарорлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида таъкидланганидек, Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш жараёни янги масалалар ва муаммолар қўймоқда, уларни эса замон талаби ва давлатимиз эҳтиёжларига мос равишда ҳал қилиш лозим. Бу масала ва муаммолар қайсилар?

Биринчидан. Биз профессионал армияга фаол ўтар эканмиз, бунда **шартнома бўйича хизмат** алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бу борада савол туғилади — шартнома бўйича хизматчилар кимлар орасидан танланади? Биз учун ҳарбий тайёргарликдан ўтган таркиб жуда муҳим — бу ҳар қандай профессионал армия юзага келадиган базадир. Шу сабабдан яхши тайёрланган ва ҳарбий ўқувдан ўтган таркиб масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иккинчидан. Маълумки, бизда чақирилувчилар таркиби йиллик чақирув миқдоридан 3-4 баробар кўпдир. Бу ҳарбий хизматдан бўйин товлашга ҳаракат қилувчи шахсларга қонунларни бузиш учун қулай шароитлар яратмоқда. Бу, шунингдек, кўп ҳолларда ҳарбий хизматни ўташ ҳақидаги қонунлар бузилишига йўл қўяётган мудофаа ишлари бўлимлари ходимларига ҳам қулай имкониятлар яратмоқда.

«1992 йили қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунларни мутлақо қайтадан кўриб чиқиш лозим,—деди тўққизинчи сессияда қилган ўз маърузасида Президентимиз И. А. Каримов. — Армияга чақирувнинг шундай тизим ва усул-услубларини шакллантириш керакки, улар биринчи галда ҳар қандай қонунбузарликнинг олдини олишга хизмат қилсин».

Учинчидан. Армияда хизмат қилиш чиндан ҳам шон-шараф иши бўлиши учун, армияда хизмат қилишдан бўйин товламасдан, унинг сафларига киришга ҳаракат қилиниши учун, армияга ёш авлоднинг энг лойиқ вакиллари танлаб олиниши учун нима қилиш керак?

«Бу муаммоларнинг ечими тариқасида бир таклифни ўртага қўймоқчиман. Яъни, болаларимиз, фарзандларимизнинг Қуролли Кучларда хизмат ўташ муддатини 18 ойдан 12 ойга қисқартиришни таклиф қиламан», деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу таклиф негизида қандай далиллар мавжуд ва биз нимага асосланишимиз зарур?

Биринчи далил. Илғор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ёш йигитнинг тўлақонли билим олиши ва энг замонавий қуролларни ишлатиш ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши учун 12 ой кифоя қилади.

Иккинчи далил. 12 ой 18 ой дегани эмас. Ота-она учун ўғлининг армиядан бир ярим йилда қайтгани қандай-у, бир йилда қайтгани қандай. Ўз-ўзидан аёнки, бундай шароитда ёш йигитлар ўз хоҳиши билан армияда хизмат қилишга интилади.

Учинчи далил. Ҳарбий хизматнинг янгича, анчагина қисқарган муддати ҳаётга қадам қўяётган ёш йигитларимизга шу муддат мобайнида ўз ҳаёт йўлини белгилаб олиши учун — ҳарбий касбни танлайдими ёки фуқаролик касби бўладими — етарли бўлади.

Тўртинчи далил. Хизмат муддатининг қисқариши натижасида совет замонидан қолиб келаётган «эски хизматчилар» ва «янги келганлар» деган тушунчаларга барҳам беради ва аскарлар жамоасида соғлом ва илиқ муносабатлар юзага келишига қулай шароитлар яратади.

Бешинчи далил. Қисқа вақт ичида ҳарбий хизматни янада кўпроқ йигитлар ўтайдилар ва бу билан ишончли, доимий шай захира юзага келади ҳамда шартнома асосида хизмат қилувчиларнинг мустаҳкам базаси яратилади.

Президентимиз олдимизга қўйган вазифалар жуда масъулиятли. Тез орада биз ҳарбий хизматни ўташ ҳақидаги янги қонунлар қабул қилинишининг, давлатимизда резервчилар институтини ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилиши ва бошқа қарорлар қабул қилинишининг гувоҳи бўламиз. Булар, албатта, ҳарбий хизматнинг обрўси ва аҳамиятини, ҳарбий хизматчиларнинг ўз конституцион бурчларини ўташ юзасидан жавобгарликларини оширади.

Ички хизмат Низоми (13-модда)да **ҳарбий хизматчи ўз давлатининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя қилишга, ҳарбий Низомлар талабларини бажаришга мажбур** дейилган. Бунда ҳарбий хизматчининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданият кўзда тутилади, бу эса намунали ҳарбий хизмат қилиш учун зарур шароитларни яратишда муҳим роль ўйнайди.

Барча тоифадаги командирлар, ҳар бир офицер ва сержант бугунги кундаги энг муҳим вазифа—аскарда ҳуқуқий (низомий) дунёқарашни, ҳуқуқий тушунчаларни шакллантириш, бунинг учун эса таълим ва тарбиянинг барча усул ва формаларидан фойдаланиш зарурлигини чуқур ўзлаштириб олишлари зарур. **Шунга эришиш лозимки, ҳар бир аскар ўзининг ҳарбий хизматдаги биринчи қадамларидан бошлаб ҳарбий хизмат — бу конституциявий бурч, демак давлатдаги энг олий мажбурият эканлигини чуқур англаб етсин. Шу билан бирга, ўз мустақил Ватанини ҳимоя қилиш — бу муқаддас бурчдир.**

Ҳарбий бурчнинг хусусияти фақат Ватанни ҳимоя қилиш борасидаги вазифаларни бажариш, аскарнинг тинчлик вақтида ҳам жанговар масалаларни ҳал қилиши билангина боғлиқ бўлмай, шунингдек, бу бурч қонун кучига эга бўлган ҳарбий Қасамёд ва ҳарбий Низомларда ўзининг юридик томондан мустаҳкамланганлигидадир. Шу сабабли ҳар бир ҳарбий хизматчи нафақат Конституцияни, ҳарбий хизмат ҳақидаги қонунларни билиши, шунингдек ҳарбий Қасамёд ва ҳарбий низомлар талабларини ҳам яхши билиши ва ўз мажбуриятларини ахлоқий, маънавий бурчи ҳамда ҳуқуқ нормалари, қонун талаблари сифатида жон-дилидан бажариши лозим.

Ҳарбий бурч — бу офицер, сержант, аскарнинг энг муҳим маънавий даражасидир, уларнинг барча ҳаракатлари фақат бир нарса— ҳарбий, конституцион бурчларини тўлиқ бажаришлари, ўзларининг мустақил Ватанлари — Ўзбекистон Республикасига, ўз халқи ва Президентига садоқатлари билан ўлчанади.

Буларнинг барчаси ҳарбий хизматчига юксак жавобгарликни — ўз Ватанини, унинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг хавфсизлиги ва тинч ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича жавобгарликни юклайди. **Ҳар бир аскарнинг бурчи виждонан, юқори жавобгарлик ҳисси билан хизмат қилишдир.**

Аскарнинг жавобгарлик ҳисси, унинг ҳарбий бурчга онгли равишда ёндашиши — бу шундай ички кучки, бу куч нафақат унинг ўзи интизом талабларидан четга чиқишига йўл қўяди, балки бўлинмасидаги низомий тартибни бузишнинг барча кўринишларига қарши фаол курашишга ундайди.

Шундай бўлса-да, ҳарбий хизматни ўташ даврида баъзи ҳарбий хизматчилар томонидан ҳарбий хизматни ўташ ҳақидаги қонунлар талабларини бузиш ҳоллари учраб турибди. Уларни бузиш эса жавобгарликка олиб келади. Бу жавобгарлик ўз характерига кўра интизомий ёки жиноий бўлиши мумкин. **Интизомий жавобгарлик Интизомий низом тегишли моддалари билан белгиланган. Жиноий жавобгарлик — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, жумладан, унинг «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар» номли XII бўлимида белгиланган.**

Машғулот раҳбари тингловчиларга 287—294 моддалар мазмунини эслатиб ўтади ва уларнинг эътиборини ҳозирги, жаҳонда ва минтақада юзага келган мураккаб ҳарбий-сиёсий вазиятда ҳарбий хизматни ўташ бўйича қонунларга ва низомлар талабларига мустаҳкам ва сўзсиз риоя қилишга бўлган талаб жуда ортаётганлигига қаратмоғи лозим. Жанговар тайёргарликка, ҳушёрлик ва ҳарбий интизомга бўлган талаб ҳам беҳад ошмоқда.

Ҳарбий хизматни ўташнинг ҳуқуқий асослари, уларни ташкиллаштириш, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, аскарларнинг турмуш шароити Қуролли Кучлар олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш имкониятини яратмоқда. Командирлар, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, барча офицерлар, сержант ва аскарларнинг бурчи жанговар вазиятларга яқинлаштирилган шароитларда жанговар ўқувга зўр бериш, ўзларини энг юқори психологик ва жисмоний мураккабликларга ўргатиб бориш, сифатли жанговар ўқув — бу қаҳрамонлик, мардлик, Ватанга, ҳарбий Қасамёдга, ўз халқи ва Президентига садоқат мактаби эканлигини унутмасликларидир. Бизнинг бурчимиз — доимо ҳушёр, доимо жанговар тайёргарликда бўлиш!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

В РАМКАХ УСТАНОВЛЕННЫХ ПРИОРИТЕТОВ И ЗАДАЧ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

В нашей стране побывала также делегация Международного валютного фонда, которая знакомилась с работой, проведенной в рамках меморандума, заключенного между МВФ и нашей страной. Президент И. А. Каримов в беседе с Министром финансов США, который является также управляющим от США в Международном валютном фонде и играет важную роль в определении финансовой и экономической политики США, заявил, **что все взятые обязательства в рамках соглашения с МВФ выполнены полностью.** Это имеет большое значение для дальнейшего совершенствования нашей валютной политики.

На заседании Кабинета Министров отмечалось также, что в текущем году внедрена система мониторинга за использованием земельных, водных, энергетических ресурсов, продолжается работа по установлению приборов учета их расхода. Обеспечен рост реальных денежных доходов на душу населения. Реализуется программа адресной поддержки социально уязвимых слоев населения и другие социальные программы, в частности программа Года защиты интересов старшего поколения.

Говоря о достигнутых результатах за 9 месяцев, нельзя не упомянуть, что **в этом году собран рекордный за последние годы урожай зерноколосовых. Произведено около 4,7 млн. тонн зерна.** При этом надо иметь в виду, что и сейчас еще продолжается уборка риса, которая также пополнит закрома нашей независимой Родины.

Существенный вклад в дело повышения экономического могущества страны внесет уборка хлопка-сырца. На заседании Кабинета Министров по вопросу о ходе уборки хлопка-сырца урожая 2002 года была заслушана информация заместителя Министра сельского и водного хозяйства С. Бегалиева и намечен комплекс мер по повышению эффективности этой работы. Соответствующим руководителям даны указания по реализации установок Президента, которые он высказал при ознакомлении с ходом экономических реформ в хозяйствах Бухарской, Кашкадарьинской и Самаркандской областей. Главная задача состоит в том, чтобы мобилизовать имеющиеся ресурсы и возможности на ускорение завершения хлопкоуборочной кампании.

Вместе с тем, на состоявшемся заседании Кабинета Министров были отмечены и существенные недостатки, которые тормозят успешное и более динамичное претворение в жизнь намеченных планов и задач. Каковы основные недостатки?

Во-первых, отмечено слабое использование экспортного потенциала отраслей и территорий республики. Неэффективно действуют отдельные предприятия с иностранными инвестициями.

Во-вторых, продолжают иметь место факты отвлечения оборотных средств предприятий местными органами власти, особенно в Сурхандарьинской и Сырдарьинской областях.

В-третьих, необоснованно затягиваются процедуры, связанные с осуществлением начала деятельности предприятий малого и среднего бизнеса после их регистрации.

В-четвертых, недостаточными темпами осуществляются реформы в сфере капитального строительства, не создан механизм эффективного использования средств, инвестируемых в основной капитал.

В-пятых, серьезные упущения имеются в решении задач реформы коммунального хозяйства, многие товарищества собственников жилья функционируют формально, не обеспечивают выполнение договорных обязательств по подготовке жилого фонда к зиме.

По всем обсуждавшимся на заседании вопросам приняты соответствующие решения.

Каковы основные выводы из материалов заседания Кабинета Министров по итогам выполнения задач социально-экономического развития страны за девять месяцев текущего года?

Первое. Наша экономика развивается динамично, достаточно высокими темпами и в полной мере обеспечивает потребности страны и рост благосостояния народа.

Второе. Укрепляется финансовая система. Достигнуто значительное сокращение денежной массы, в результате чего укрепляется национальная валюта и заметно снижается уровень инфляции. Укрепился и расширился межбанковский валютный рынок, увеличились объемы операций наличной иностранной валюты в тесной связи с повышением роли национальной валюты как единого платежного средства.

Третье. Страна добилась значительных успехов в сельском хозяйстве. Реформы на селе уже дают свои положительные результаты. Зерновая независимость, благодаря усилиям дехкан, укрепилась основательно.

Четвертое. Успехи экономики и укрепление финансовой системы в стране позволяют более активно решать задачи по выполнению важнейших государственных программ, реформирования и либерализации всех сторон общественной жизни. Среди этих программ — Национальная программа по подготовке кадров, программа Года защиты интересов старшего поколения, реформы в здравоохранении, в коммунальной сфере, в строительстве и многие другие.

Пятое. Поступательное развитие и рост нашей экономики позволяют успешно осуществлять реформирование Вооруженных Сил, проявлять постоянную заботу о вооруженных защитниках, все увереннее переходить к профессионализации армии, поднимать престиж воинской службы и высокого звания защитника независимой Родины.

А. ХЛЫЗОВ.

«Бойсун баҳори» фестивали давом этади

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида иккинчи «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивали ўтказилишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда фестиваль ташкилотчилари томонидан 2003 йил 1—6 май кунлари Сурхондарёнинг Бойсун туманида ташкил этиладиган ушбу халқаро фестивалга тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборотлар тингланди.

Сўзга чиққанлар, аввало, мазкур фестиваль — маънавий меросимизни асраб-авайлаш йўлидаги узоқ муддатга мўлжалланган дастурнинг таркибий қисми эканини таъкидлади. Бойсун тумани маданияти инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси сифатида жаҳон миқёсида эътироф этилгани, Марказий Осиё минтақасидаги қадимий халқ анъаналарини сақлаш ва янада ривожлантириш ишига хизмат қилаётгани қайд этилди.

Шу йил 23—27 май кунлари ўтказилган биринчи «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фольклор фестивали юқори савияда ташкил этилган эди. Унда нафақат Марказий Осиёдан, балки, кўплаб хорижий давлатлардан келган бадиий жамоалар, фольклор дасталари ўз маҳоратини намойиш этди. Тургун Алиматов мукофоти учун анъанавий мусиқа ижрочилари танлови, бахшилар чиқиши, миллий либослар танлови, халқ ҳунармандчилиги буюмлари кўргазмаси ҳам анжуман иштирокчилари ва меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Бир сўз билан айтганда, илк маротаба ўтказилган фестиваль ўзига хослиги, таассуротларга бойлиги билан ажралиб турди.

Дастлабки санъат байрамининг катта муваффақият билан ўтганлиги ҳамда иштирокчиларнинг хоҳиш-истакларини эътиборга олган «Бойсун баҳори» анжумани ташкилий қўмитаси иккинчи фестивални ўтказишга қарор қилди. Эндиги асосий мақсадлардан бири — анъанага айланаётган ушбу фестивални янада кўтаринки руҳда ўтказишдан иборат.

Фестиваль бош продюсери Алексей Араповнинг таъкидлашича, келгуси фестивалга хорижий мамлакатлар — Марказий Осиё давлатларидан таклиф қилинадиган гуруҳлар сафини кенгайтириш режалаштирилган. Шунингдек, фестиваль доирасида Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Филиппин, Россиядаги ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий дурдонаси» сифатида эътироф этилган жамоаларнинг «Осиё дурдоналари учрашуви»ни ўтказиш мўлжалланмоқда.

Б. БОТИРОВ,
ЎзА мухбири.

● 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

САҲРОЛАРДА ОЛТИН АХТАРИБ

У қаҳатчилик, очарчилик ҳукм сураётган паллада таваллуд топди. Ота-она, қавму қариндош «бу ўғилнинг қадами хайрли келган бўлсин — Оллоҳнинг хайрини кўрайлик», деган ниятда исмини Хайрулло қўйишди.

Ёлғиз қизининг тўнғич ўғли. Икки хонадон ардоғида. Бувиси (она тарафидан) «Қум тутсанг олтин бўлсин!» дея алқаганида, унинг идрокига фавқулодда маъно касб этадиган, энг кераклн бисот хусусидаги фикр парчинланиб қолган бўлса, ажабмас.

Ҳа, халқ оч эди, мамлакат камбағал эди. Қашшоқлик, хасталик одамларнинг силласини қуритганди — бу аянчли, укубатли манзаралар хотирасига худди кинолентадаги тасвирлар янглиғ ўрнашиб қолди.

Ўн ёшга тўлганида иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. Республиканинг барча бурчакларидан йигитлар фронтга отланишди. Шу жумладан, у туғилган Бешёғоч даҳасидаги маҳаллалар ҳам ҳувиллаб қолди. Тирикчилик ташвиши қари-қартанглар, аёллар ва болаларнинг чекига тушди. Бўлажак олим шундай оғир муҳитда ўсиб-улғайди.

— Гарчи ҳаёт машаққатли кечаётган бўлса-да, ёшларда илмга ташналик кучли эди. Болалик вақтларимда мен тарих ва жуғрофияга қизиқардим,— дейди Хайрулло ака.— Нима учун Ўрта Осиёга шу қадар кўп ҳужумлар уюштирилган? Бу табаррук замин не-не жаҳонгирлар оёғи остида топталмаган ахир?! Хўш, ўша ҳолатларнинг сабаби нимада?— қабилидаги саволлар ҳамиша хаёлимни банд этарди. Кейин билдимки, бу ўлка олтину кумушга бой бўлганлиги учун ҳам жаҳонгирлар иштаҳасини карнай қилган экан.

— Агарда қадим замонлардан бери мустақил яшаб, ўз олтинларимизга ўзимиз эгалик қилган бўлсак, мамлакатимиз жаҳондаги энг қудратли давлатлар сафига қўшилган бўлармиди?— сўрайман олимдан.

— Сўзсиз,— дейди у.— Давлатлар асосан олтин туфайли бойиб келган. Масалан, Америка Қўшма Штатларини олиб кўрайлик. Ўз ҳудудидан ташқари бошқа мамлакатлар конларидан олтин қазиб олиш ишларига ҳам кўмаклашиб, бир қисмига эгалик қилади. Ана шу сабабдан ҳам Қўшма Штатлар дунёдаги энг қудратли мамлакат ҳисобланади.

Таниқли маъданшунос собиқ шўролар вақтида даврий нашрларда эълон қилинган мақолаларини кўрсатиб, «Биз ҳали Истиқлолга эришмаган пайтларимизда Президентимизнинг «олтин конларига ўзимиз эгалик қилишимиз керак», деган гапларини эслаб юрамиз» деди.

— Юртбошимиз олтин қазиб олиш, қайта ишлов бериш ўзимизнинг қўлимиздан ҳам келишини жуда яхши биларди. Шу боис «асбоб-ускуна бўлмаса, олтинни тирноқларим билан қазиб оламан», деган. Бу ҳақда Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов телевидение орқали гапирганини ёдингизда бўлса керак?

Хайрулло ота маъданшунослар, шу жумладан устози Ҳабиб Абдуллаев ҳақида гапиришни ёқтиради.

— Ўрта Осиё политехника институтининг тоғ факультетида ўқиб юрган чоғларимда домла билан танишганман. Ниҳоятда очиққўнгил, камтар, талабаларга меҳрибон бу одам кўпчилик қатори менинг ҳам эътиборимни ўзига тортган,— дейди у.— Домла бизга металлогения фанидан сабоқ берарди. У бизни айнан шу фанга қизиқтиришга ҳаракат қиларди.

Амалиёт чоғида домла билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдим. У кишн мустақил фикрли, талашиб-тортишадиган талабаларни ёқтирарди. Эҳтимол шунинг учундир, менинг далил-исботларимга қизиқиш билан қарарди. Ва қатъий равишда «Хайруллога мустақил иш беринглар», деб амалиёт раҳбарига тайинлаган. Айнан ўша вақтларда менда олтин белгисини топишга иштиёқ уйғонган эди.

— Устозингизни қайси фазилатлари Сизга кўпроқ маъқул келган?— деб сўрайман суҳбатдошимдан.

— Биласизми,— дейди у,— мен Ҳабиб Муҳамедовичга ўхшаган вазмин, ҳар қандай шароитда ўзини тута оладиган олимни ҳеч учратмаганман. Ер мағзида маъданлар пайдо бўлиши, тоғ жинсларини излаб топиш, умуман металлогенияга оид мавзуларда қизғин баҳсу мунозаралар бўларди. Машҳур олимлар ҳатто гуруҳларга бўлиниб тортишар эдилар. Гоҳо, баъзи геологлар жаҳлга миниб, қуюшқондан чиқиб кетишарди. Шунда домла худди ҳеч нарса бўлмагандек, дағдағали сўзларни, пичингларни

эшитмагандек, оҳиста гапирар, ҳар бир фикрини далиллар ёрдамида исбот қилиб берарди. Шу аснода уни мухолифлари ҳам ҳурмат-эҳтиром қилишга мажбур бўлишган. Мабодо, бировнинг муваффақиятини кўрса, худди ўзи шу ишни бажаргандек бирдан қувониб кетарди... Энди менга унчалик маъқул бўлмаган томони: ишни деб, ўз соғлигини ўйламай қўйди. Шу сабабдан ҳам барвақт оламдан ўтди.

Хайрулло ота ўша баҳс-мунозараларни эслаб, мазмунини гапириб бераркан, ён дафтаримга бирор сатр ёзишга ожиз эдим. Негаки, металлогения — мураккаб фан. Бу фанни муфассал билмаган одам атамалар қўллашда адашиб кетиши ҳам ҳеч гапмас. Мантиқан шуни биламизки, Ҳабиб Абдуллаев билимдон, кашфиётчи, ўз мактабини яратган олим эди. Акс ҳолда уни дунё тан олмасди. Машҳур геолог XX асрнинг буюк инсонлари сафида туради.

— Домламиз Абу Райҳон Беруний асарларини синчиклаб ўрганиб чиққан. Бу эса баҳс-мунозараларда ҳар доим ғолиб чиқишида қўл келарди,— дейди Х. Раҳматуллаев.

— Биз институтни битказгач, тўрт киши аспирантурада ўқишга тавсия қилиндик,— дея хотираларини давом эттиради суҳбатдошим.— Аммо, ўша йили собиқ Иттифоқ геология вазирлигининг икки йиллик иш стажига эга бўлмаган мутахассисларни аспирантурага қабул қилмаслик тўғрисидаги қарори чиққан эди. Шунга кўра тўртовимиз ҳам ишлаб чиқариш корхонасига ишга жойлашдик. Хуллас, тоғу тошларга ризқимиз сочилган экан. Дастлаб Зирабулоқ — Зиёвиддин тоғларида иш бошладик. Сўнг эса Қизилқумнинг Олтин тоғ доновидаги Кокпатасда сурма белгисини тафтиш қилиш гуруҳида фаолият кўрсатдик...

Геология — минералогия фанлари доктори Хайрулло Раҳматуллаев нафақат маъданшунос олим, балки иқтидорли публицист ҳамдир. Даврий нашрларда унинг ўнлаб муаммоли мақолалари ёритилган. Домла «Хабиб Абдуллаев — основоположник металлогенической науки» номли китоб ёзган. Салмоқдор китоб — «Мурунтау» муаллифларидан бири. Ҳамда устози ҳақида «Хизр назар қилган олим» номли китобни нашрга тайёрлаб, 1992 йилда «Фан» нашриётида чоп эттирган.

— Қизилқумда ишлаб, хабашдек қорайиб кетдик,— дейди олим ҳикоясини давом эттириб.— Қадам-бақадам қум зарраларини текширардик. Белгиларни намуна сифатида текширувга жўнатардик. Шундай кунлардан бирида пойтахтдан шошилинчнома келди: Ҳабиб Муҳамедович бизни чақирибди. Ва ниҳоят, аспирантурага қабул қилиниб, номзодлик диссертацияси устида иш бошладим.

...Минг-минг йиллар илгари мана шу Қизилқум ўрнида уммон мавж урган, дейишади. Сув чекиниб, қум барханлари ўз бағрида хазиналарни асрамоқда. Аммо, ёмби ҳолатида эмас, зарра шаклида. Энди ўша сир-асрорни очиш, кашф қилиш фидойи геологлар зиммасидадир.

— Атамаларга эътибор беринг,— дейди суҳбатдошим,— Зарбулоқ, Олтин қазған, Буконтов (Бу кон тоғ деганн), Зарметон... Мазкур номлардан маълум бўлиб турибдики, минтақамиз қумларида, тоғларида азал-азалдан олтин, кумуш каби қимматбаҳо маъданлар олиб келинган.

Тарихий манбаларда Амударё соф олтин заррачаларини оқизиб, Орол денгизига қуйгани ҳам таъкидланади. Бунақа хабарлар ўз замонида Пётрнинг ақлини шоширган ва у Қизилқумга махсус савдогарлардан иборат экспедициялар ҳам юборган.

Хайрулло ота билан суҳбатлашсангиз ҳеч зерикмайсиз. Гаплари бир-биридан қизиқ. Айниқса, мустақиллик ҳақида сўз очганида кўзлари чақнаб кетади:— Шўролар даврини эсласам юрагим эзилади,— дейди у.— Қанча-қанча маъданлар, археологик экспедициялар вақтида топилган тилла буюмлар Масковга, Санкт-Петербургга ташилган. Хайриятки, Истиқлолга эришдик... Мен очган Кокпатас олтин кони мустақил давлатимизга хизмат қилаётганидан хурсандман.

Домла биринчи бора олтин белгисини 1958 йилда топади. Шундан сўнг Кокпатасда қизғин иш жараёни бошланади. 1989 йилда, мустақиллик эпкинлари эса бошлаган вақтда собиқ Иттифоқ геология вазири имзоси билан Хайрулло Раҳматуллаевга «Биринчи кон очувчиси» ҳужжати жўнатилади.

Изланишлар, машаққатли амалиётлар беиз кетгани йўқ. Домла излаб топган кондан 1995 йилдан эътиборан маъдандан ёмби олтин олина бошланди. Чамалаб кўринг: бу давлатимизга қанча фойда келтиради? Шундай тилло конлари туфайли давлат бойийди. Хусусан, мудофаа қудрати ошувида маъданшуносларимизнинг хизматлари катта.

Домла Хайрулло Раҳматуллаев таҳририятимизга кўп ташриф буюради.

— Мен ҳам истеъфодаги офицерман,— дейди у.— Захирадаги катта лейтенант ҳарбий унвонини олганман...

— Одатда қишлоқда туғилиб ўсган кишилар шаҳарга интилишади. Сиз нима учун Қизилқум саҳросини танлагансиз? Шаҳарнинг қулай шароитини ташлаб, деярлик саҳроларда қўним топгансиз?— савол берамиз домлага.

— Тўғри,— дейди у.— Умримнинг асосий қисми, йигитлик вақтларим Қизилқумда ўтиб кетди. Мен табиат сирларини очиб, шундан лаззат олганман. Агар одам астойдил интилса, ўқиб-ўрганса, тер тўкса, албатта унинг рўбарўсида табиат ўз сирларини, пинҳон жиҳатларини очади. Бу эса одамзод учун ниҳоятда қизиқарлидир.

— «Ватанпарвар» муштарийларига, шу жумладан ҳарбийларга тилакларингиз?

— Муштарийларга шу газетага содиқ қолишликни тилайман. Ҳарбийларга истагим шуки, шу Ватанга, шу табаррук тупроққа, буюк аждодларига лойиқ посбон бўлишсин. Зотан, биз дунё миқёсида қудратга эга бўладиган буюк бир мамлакатмиз.

...Ватаннинг улуғлиги шундай кишилар билан мулоқотга киришганда яққол билинаркан. Улар миллат фахри, ифтихоридирлар.

Б. РУЗИМАТОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

> ✂
>
> **ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!**
> **Изучаем общевоинские Уставы**
>
> **Уважаемые военнослужащие! Дорогие читатели!**
>
> **Организованный редакцией газеты «Ватанпарвар» конкурс «Изучаем Общевоинские уставы» даст вам прекрасную возможность не только проверить свои знания и развить творческий потенциал, но и стать обладателем специальных призов (магнитофон, радиоприемник, часы и др.), поощрительных премий. Воспользуйтесь этим шансом и станьте победителем! Конкурс завершится в преддверии Дня защитников Родины.**
>
> **Набранные баллы будут подсчитываться ежемесячно и ежеквартально. Вырежьте очередной тест, подчеркните правильные варианты ответов. Напротив каждого ответа обязательно укажите название использованного Устава и номер статьи из него. Укажите ваши воинское звание, фамилию, имя, адрес и отправьте в редакцию. Не забудьте на конверте поставить пометку «На конкурс!».**
>
> **Приглашаем к активному участию в конкурсе. Удачи вам!**
>
> **ВОПРОСЫ ТЕСТА № 46**
>
> **1. Выговор является первичным дисциплинарным взысканием и объявляется военнослужащему:**
>
> А. Только перед строем.
> В. В порядке, указанном в статье 93 ДУ (страница 215 ОВУ).
> С. На совещании или в приказе.
>
> **2. Где ведутся служебные карточки на офицеров?**
>
> А. В вышестоящем штабе.
> В. Ответы А и С верны.
> С. В штабе воинской части.
>
> **3. Кто заверяет служебную карточку военнослужащих, поступивших на военную службу по контракту?**
>
> А. Начальник штаба.
> В. Командир батальона.
> С. Командир взвода.
>
> **4. Жалоба заявляется:**
>
> А. Непосредственному начальнику того лица, действия которого обжалуются.
> В. Только своему начальнику.
> С. Ответы А и В верны.
>
> **5. Кем подписывается записка об аресте офицера?**
>
> А. Подписывается комендантом воинской части и заверяется гербовой печатью воинской части.
> В. Подписывается командиром или начальником штаба воинской части и заверяется гербовой печатью воинской части.
> С. Подписывается дежурным по воинской части и заверяется гербовой печатью воинской части.
>
> **6. При направлении на гауптвахту солдаты, сержанты и старшины срочной службы должны быть одеты:**
>
> А. В рабочую форму и иметь шинели.
> В. В повседневную форму для строя.
> С. Только в рабочую форму.
>
> **7. На сколько дней вперед устанавливаются пароли и заносятся в Книгу паролей?**
>
> А. На 10 дней вперед.
> В. На 5 дней вперед.
> С. На 3 дня вперед.
>
> **8. Когда сдаются оружие и боеприпасы караульного, отстраненного от несения службы?**
>
> А. Немедленно после отстранения.
> В. Сдаются вызванному в караул старшине роты.
> С. Сдаются начальником караула после смены караула.
>
> **9. В каких случаях выставляется часовой на пост у входа в караульное помещение?**
>
> А. Не выставляется.
> В. Если имеется менее пяти трехсменных постов.
> С. Если караульное помещение находится вне территории части и имеется не менее пяти трехсменных постов.
>
> **10. За сколько шагов до начальника выполняется приветствие в движении?**
>
> А. За 3—4 шага.
> В. За 5—6 шагов.
> С. За 4—5 шагов.
>
> **ВАШИ ДАННЫЕ:**
>
> **1. Воинское звание, фамилия, имя, отчество** ________
>
> **2. Адрес:** ________
>
> **3. Предложения:** ________
>
> **Вопросы теста подготовил подполковник Н. ГУЛБАЕВ.**

Галилей ордени—ўзбек олимига

Ўзбекистон Фанлар академияси «Академасбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лазер нурланишининг модда билан ўзаро алоқаси лабораторияси етакчи илмий ходими Рашид Ганеев Галилео Галилей ордени ва оптика бўйича халқаро комиссия дипломи билан тақдирланди.

Бу нуфузли мукофотга оптика ривожига катта ҳисса қўшган турли мамлакатлар олимлари сазовор бўлади. Бу гал мукофот физика-математика фанлари доктори Р. Ганеевга сўнгги тадқиқотлари натижаларига кўра берилди. Лабораториядаги ҳамкасблари билан бирга у лазер нурланиши частотасининг полимерлар, газлар, плазма, ионлар, кристаллар, қаттиқ жисмлар сиртида, бошқа муҳитларда ўзгаришини ўрганди. Олинган натижалар бундай нурланишни кучайтириш учун энг мақбул шароитларни ҳисоблаб чиқиш имконини беради. Улар ҳам фундаментал фанни, ҳам унинг лазерлар билан боғлиқ амалий соҳаларини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга. Р. Ганеев 140 дан ортиқ илмий мақола муаллифидир. Уларнинг кўпчилиги чет элдаги физикага оид журналларда чоп этилган. Олим Ўзбекистонда оптика ва лазер физикаси соҳасида тадқиқотларни ташкил этишда фаол иштирок этади. У бир неча республика илмий кенгашлари, шу жумладан Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ҳузуридаги физика бўйича эксперт кенгаши аъзоси, қатор аспирантлар ва докторантлар илмий раҳбаридир.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

● ФУТБОЛ

«НЕФТЧИ» ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧГА ЧИҚДИ

Осиё футбол майдонларида чемпионлар лигаси баҳслари қизғин давом этмоқда. Клублар ўртасидаги бу нуфузли мусобақа қитъамизда илк бор ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг ўтган йилги чемпиони «Нефтчи» ва кумуш медаль соҳиби — «Пахтакор» жамоалари иштирок этаётир. Ҳозирча жамоаларимиз мусобақанинг тўртинчи босқичига чиқишга интилмоқда.

Чемпионлар лигасига учинчи босқичдан қўшилган фарғоналиклар меҳмонда Яманнинг «Аҳли Сана» жамоасига қарши тўп суриб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган эди. Фарғонада ўтган жавоб учрашувида эса «Нефтчи» Ямандаги ғалаба тасодиф эмаслигини тўла исботлади.

«Нефтчи» учрашувда йирик ҳисобда ғалаба қозонди. Мезбонлардан Анвар Бердиев ва Илья Коваленко «Аҳли Сана» дарвозасига иккитадан тўп йўллаган бўлса, тажрибали футболчи Сергей Лебедев ҳамда жамоанинг тожикистонлик легионери Акмал Холматов биттадан гол киритди.

Шундай қилиб, «Нефтчи» яманликларни сафарда 2:1, ўз майдонида 6:0 ҳисобида мағлуб этиб, тўртинчи босқичга йўлланма олди. Энди фарғоналиклар Эроннинг «Истиқлол» ва Иорданиянинг «Ал-Файсали» жамоалари ўртасида кечган баҳс ғолиби билан куч синашади.

Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилаётган яна бир жамоамиз — «Пахтакор» 25 октябрь куни ўз майдонида Қатарнинг «Ал-Иттиҳод» жамоасига қарши учинчи босқичнинг жавоб учрашувини ўтказади. Эслатиб ўтамиз, Қатарда бўлган биринчи ўйинда тошкентликлар 3:4 ҳисобида мағлубиятга учраганди. Пойтахтимиздаги учрашувда мезбонларни кичик ҳисобдаги ғалаба ҳам кейинги босқичга олиб чиқади.

З. ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

«ПАХТАКОР» ҲАМ ҚОЛИШМАДИ...

Куни кеча «Пахтакор» марказий ўйингоҳида бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимиз чемпионати кумуш медаль соҳиби Қатарнинг «Ал-Иттиҳод» жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, тўртинчи босқичга йўлланма олди.

Голлар муаллифлари — Сервер Жепаров, Зайниддин Тожиев ва меҳмонлар ҳимоячиси Саид Заттах (автогол). Кейинги босқичда «Пахтакор» БАА чемпиони «Ал-Аҳли» жамоасига қарши тўп суради, «Нефтчи» эса — «Истиқлол»га рўбарў келади.

Ўз мухбиримиз.

● ЭТОТ ПЕСТРЫЙ МИР

ЭКЗОТИЧНЫЙ СПОРТИНГ

В Европе спортинг, азартный и зрелищный вид спорта, несмотря на свою относительную молодость, собирает толпы поклонников. Родился он в Англии в шестидесятых годах прошлого века и представляет собой полную имитацию охоты. Однако спортинг доступен спортсменам в любой сезон.

Принципиальное отличие спортинга от классической стендовой стрельбы — в непредсказуемости. Мишень перед спортсменом может выпускаться в любой плоскости одной из семи специальных машинок. Причем располагаться они могут как на поляне, так и на деревьях на высоте до 35 метров. Случается, что мишени вылетают из-за спины стрелка. Они имитируют полет птиц: перепела, тетерева, утки, глухаря, фазана. Сложнее всего вести огонь дуплетом, когда стрелку необходимо поразить одновременно две тарелочки. Но самой трудной мишенью в спортинге считается «заяц». Ее очень непросто поймать на мушку, поскольку мишень то и дело подпрыгивает. Чтобы поразить ее, спортсмену необходимы отличная реакция, точный глазомер и по-настоящему охотничья выдержка.

(По материалам печати).

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЙИЛАР БЎЙИЧА: 1. Тошкент вилоятидаги дарё. 4. Мусиқада ҳамоҳанг товушларнинг бирданига ижроси. 7. Ўтга чидамли, кислота таъсир қилмайдиган, электр ўтказмайдиган толали маъдан. 10. Бирор мақсадда бунёд этилган бино. 13. Вақт ўлчови бирлиги. 16. Коинот жисми, думли юлдуз. 19. Асарнинг якуний қисми. 22. Эртапишар қовун нави.

ДИАГОНАЛ БЎЙИЧА: 2. Тиғли дурадгорлик асбоби. 3. Қадимги юнон шоири Гомер достони. 5. Дунё томонларини кўрсатувчи асбоб. 6. Айлана нуқтасини маркази билан туташтирувчи тўғри чизиқ. 8. Китоб бети. 9. Нон юзига сепиладиган ўсимлик уруғи. 11. Тили, маданияти, ҳудуди, иқтисодий ҳаёти ва руҳий хусусиятларининг умумийлиги асосида вужудга келган кишилар гуруҳи. 12. Кучли, мард инсон. 14. Қуёшга тик қарай оладиган йиртқич. 15. Ҳимояланиш воситаси, ҳарбий анжом. 17. Ер йўлдошининг яна бир номи. 18. Билим олувчи. 20. Электр қаршилигини ўлчаш асбоби. 21. Гозгондан қазиб олинадиган бинокорлик ашёси. 23. АҚШ ғарбидаги штат. 24. Уруш жанг қуроллари мажмуи.

ЙИЛАР БЎЙИЧА ЗАНЖИР ҲОЛИДА: 25. Ер шарининг шимолий қутб ҳудуди. 26. Тарихчи олим, «Амир Темур» романи муаллифи. 27. Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир. 28. Тахт ворисн. 29. Иноқлик, аҳиллик. 30. Коинотда содир бўладиган ранг-баранг манзара. 31. Пойтахти Яунде шаҳри ҳисобланувчи Африкадаги давлат. 32. Мўъжаз насрий асар, ҳикоя.

Ф. ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 124-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ДИАГОНАЛ БЎЙИЧА: 1. Олтин. 2. Елкан. 3. Мавзу. 4. Вашингтон. 5. Косов. 6. Поезд. 7. Циферблат. 8. «Ниҳол». 9. Банан. 10. Балет. 11. Тайга. 12. Шайба. 13. Поҳол. 14. Масал. 15. Доира. 16. Қалам. 17. Архипелаг. 18. Байтулло. 19. Киров. 20. Атлас. 21. Томди. 22. Неддо. 23. Қисқа. 24. Анжал. 25. Взвод. 26. Озуқа. 27. Алвон. 28. Палос.

ҲИКМАТ: Ақл — ақлдан қувват олади.

Шарқ мунажжимлари башорати

ТОҒ ЭЧКИСИ ўз режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳафта мобайнида самарали меҳнат қилиши керак. Акс ҳолда белгиланган мақсадлар рўёбга чиқмай қолиши мумкин. Ҳарбий хизматчилар тартиб-интизомни мудом устувор билишлари лозим. Жума ва шанба айниқса омадли кунлардир.

ҚОВҒА мазкур ҳафтада йирик ишларга қўл урмагани яхши. Бундай лойиҳаларни сал кейинроқ уддалаган маъқул. Энг асосийси, ишкоат бўшаштирилмаса, барча режалар кўнгилдагидек амалга ошади. Омадли кун — жума.

БАЛИҚ раҳбарлар танқидига учраши мумкин. Аммо бундан хафа ёки норози бўлиб, тортишиш ноўрин. Чунки бошлиқлар танқиди ўринлидир. Шу боис ҳам эътироз билдирмай, мавжуд камчиликларни тузатишга киришилса, тўғри бўлади. Пайшанба ва жума — омадли кунлар.

ҚЎЙ севги бобида ҳис-ҳаяжон оғушида бўлади. Бироқ, муҳаббат дарёсига ғарқ бўлиб, ҳаётнинг бошқа жабҳаларини, масалан ишни унутиб қўймаслик керак. Мунажжимнинг маслаҳати ана шундай. Айниқса, хуш кайфият инъом этадиган кун — чоршанба.

БУЗОҚ учун ҳам келгуси душанбадан бошланадиган етти кун серсамара ҳафталарнинг бири бўлади. Лекин, муваффақият ўз-ўзидан қўлга киритилмаслигини унутмай, жиддий меҳнат қилиш лозим. Акс ҳолда кутилмаган тўсиқлар учраши эҳтимолдан холи эмас. Омадли кун — сешанба.

ЭГИЗАКЛАР бошлиғи бошқа вазифага ўтказиш ёки маошини оширишга ваъда бериб, ўз сўзи устидан чиқмасада, низо юзага келмаслиги учун жаҳлга эрк бермаслиги керак. Шундай қилинмаса, оқибати нохуш бўлади. Чоршанба ва жума — омадли кунлар.

ҚИСҚИЧБАҚА ҳам раҳбари фикрига қарши чиқмаслигини мунажжим маслаҳат беради. Унинг башорат қилишича, ортиқча ёки ноўрин айтилган ҳар бир сўз бошлиққа ёқмаслиги ва негатив ҳолат рўй бериши мумкин. Аммо безовталанишга ҳожат йўқ. Жума куни омадли бўлади.

АРСЛОН учун истиқболли режалар эшиги очилади. Турли салмоқли ютуқлар муваффақиятли амалга ошади, дўстлар сафи ортади. Юлдузлар жойлашуви ана шулардан далолат беради. Сешанба — айниқса омадли кун.

ПАРИЗОД хушмуомаласи ва тиришқоқлиги туфайли профессионаллик борасида юксак натижаларни қўлга киритади. Молиявий жиҳатдан ҳам ютуқларга эришиш, шунингдек, янги ҳамфикрлар орттириш кутилмоқда. Душанба ва сешанба — муваффақиятли кунлар.

ТАРОЗУ нуфузли дўстлари кўмаги туфайли кўплаб касбий муаммоларни ҳал этиши мумкин. Хорижий ҳамкорлар билан шерикликда фаолият кўрсатаётганлар ҳамда ҳарбий хизматчилар учун мазкур ҳафта барча муносабатларда омадли бўлади. Сешанба — энг серсамара кун.

ЧАЁН ўз ижодий имкониятини тўла намоён этиши мумкин. Бунга эришиш учун фаол ҳаракат қилиш, учрашувларда қатнашиш, ҳамкасблар билан тажриба алмашиш лозимлигини тавсия этади, мунажжим. Омадли кун — чоршанба.

ЎҚОТАР ушбу ҳафтада айниқса вазмин бўлиши, ҳис-ҳаяжонга берилмаслиги, салбий одатлардан тийилиши керак. Яқин киши билан ўтказилган вақт хуш кайфият бағишлайди, муаммолар ечимини топишда омил бўлади. Энг омадли кунлар — душанба ва сешанба.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0406.